

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Нидо

Mustaqillik huquq demakdir



1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 22-avgust, №34 (867)

Ифтихор

Ҳашар



Ютуқларимиз фаровонликка хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган ютуқлар, улкан бунёдкорлик ишлари, аҳоли фаровонлигининг ошиши, аввало, истиқлол шарафатиандир. Шунинг учун халқимиз ҳар йили мустақиллик байрамини катта шодона, кўтаринки кайфият ҳамда ўзгача шукўх билан қутиб олади. Ушбу байрамни тантанали қутиб олиш доимий анъанага айланган. Бу йил ҳам юртимизнинг барча ҳудудларида мустақиллигимизнинг 22 йиллигини муносиб қутиб олиш учун қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори байрамга тайёргарлик ишларида энг муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Яна шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш кераки, бу йилги байрам "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" деган эзгу шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган. Айни кунларда мана шу шиор остида байрам олдидан уюштирилаётган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирларда ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида ёзувчи ва шоирлар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари халқимизга ўтган давр мобайнида кенг қўлланган ислохотлар натижасида иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги охиш бораётгани, мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурларнинг ижобий самараларини кенг тарғиб қилаётганлиги.

Тошкент вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида ҳудудда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарлик-

ларнинг олдини олиш борасида бир қанча кенг қўлланган ишлар амалга оширилди. Қонун устуворлигини таъминлашда республикада қабул қилинган қонунлар, Юртбошимизнинг Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари ҳуқуқий асос бўлаётди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлса, қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати йўналишлари бўйича ўтказилган 1221 та текширувлар натижаларига кўра 10691 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. 4509 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиб, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 335 та жиноят ишлари кўзга тушди. 150,7 млн. сўм зарар айбдорлардан ихтиёрий қоплатилиб, 9 млрд. 583 млн. сўмни ундириш юзасидан судларга 1727 та даъво аризалари киритилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига путур етказилган ҳолатлар юзасидан қатъий чоралар

Музаффар ЭГАМБЕРДИЕВ,
Тошкент вилоят прокурори
вазифасини бажарувчи

қўрилганлиги натижасида аҳолини иш билан таъминлаш, иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўловининг амалга оширилиши юзасидан ижтимоий соҳаларда прокурор назоратининг самарадорлигига эришилди. Хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид қонунлар ижроси юзасидан олиб борилган назорат тадбирлари натижасида 2013 йилнинг 3 июль ҳолатига вилоят бўйича пенсия ва нафақалар бўйича қарздорлик бартараф этилди.

Мониторингга олинган қорхоналарда иш ҳақидан тўлов муддати ўтган қарздорлик 2013 йил 1 июль ҳолатига 3,8 млрд. сўмни ташкил этган бўлса-да, прокуратура органларининг бевосита аралашуви билан қарийб 2,5 млрд. сўмдан ортиқ иш ҳақининг тўланиши таъминланди. Аҳолини иш билан таъминлаш дастурига асосан вилоятда 44295 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Шунингдек, тўлов интизомига оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширувлар натижасига кўра қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 2 та тақдимома киритилди. 143 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилиб, 21 нафари қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди. Бу борада судларга 77,4 млн. сўмлик даъво аризалари киритилди.

(Давоми 4-бетда)

Анъанага айланган миллий қадрият

Мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб республикаимизда 24-25 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.

Юртимизда анъанага айланган бу тадбирда қорхоналар, таълим муассасалари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар томонидан маҳаллалар, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар тозаланиб, тартибга келтирилади. Шунингдек, ҳашар доирасида кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга кўмаклашиш ҳам кўзда тутилган.



Умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилиши муносабати билан қорхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг бир кунлик иш ҳақи "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлимларининг банкдаги ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Хайрия ҳашаридан тушган маблағлар кам таъминланган оилаларга, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини яхшилаш каби тадбирларга сарфланади.

Анъанавий тарзда ташкил этилаётган бундай тадбирлар халқимизнинг яратувчилик, бунёдкорлик шижоатини, ўзаро меҳр-оқибатчилик, хайр-саховатчилик ва баррикенглик фазилатларини намойиш этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Турли миллатлардан ташкил топган республикаимиз аҳолиси Ватан равнақи, тозалик, ободонлаштириш йўлида ўзаро ҳам-жihatлик, бирдамликда ҳаракат қила олиши мана шундай умумхалқ ҳашарларида яна бир бор ўз исботини топади.

Анжуман

Энергетика тизими такомиллаштирилмоқда

Жорий йилнинг 20 август кунин Миллий Матбуот марказида "Ўзбекэнерго" компанияси томонидан "Етказиб берилган электр энергиясининг ҳисобини юритишни такомиллаштириш" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда "Ўзбекэнерго" компаниясининг мутасадди раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Анжуман давомида "Етказиб берилган электр энергиясининг ҳисобини юритишни такомиллаштириш" дастури доирасида белгиланган вазифаларда Сирдарё вилоятининг Сардоба тумани намунали ишларни амалга оширганлиги қайд этилди. Ушбу туманда электр энергиясининг меъёрдан ортиқча технологик йўқотилишлари кескин қамайтирилганлиги ҳамда тумандаги 8452 та аҳоли хонадонларининг ҳамда 430 та улгуржи истеъмолчиларнинг электр ҳисоблагичларини мансублик чеғарасига, яъни бино фасадларига чиқариш ишлари тўлиқ ниятсизга етганлиги айтиб ўтилди.

Маърузачилар томонидан мамлакатимизда етказиб берилган электр энергияси учун тўловларни on-line режимида қабул қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилаётганлиги, "Электр ҳисоб" дастурий комплексининг жорий этилиши натижасида республика банклари билан ҳамда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, "PAYNET" ва "SMS to'lov" тўлов тизимлари билан on-line режимида иш олиб борилаётганлиги, шунингдек, маиший истеъмолчилар томонидан амалга оширилган тўловлар тўғрисида маълумотлар истеъмолчиларнинг ҳисоб варағига хатосиз тўғри келиб тушиши тизими яратилганлиги алоҳида таъкидланди.

Ўз мухбиримиз

Истиқлолнинг ўтган йиллари давомлаш бошқа жабҳалар қатори аграр соҳа ҳам мисли кўрилмаган даражада тараққиётга юз тутди. Давлатимизнинг иқтисодий ривожланишида қишлоқ ҳўжалик тизимида амалга оширилаётган ислохотлар муҳим аҳамият касб этди. Ерга, меҳнатга бўлган муносабатнинг ўзгариши эса ўз навбатида халқ турмуш фаровонлигини оширди. Айниқса, соҳага доир қонунчилик тизимининг структуралӣ тақомиллашуви янада улўғвор мақсадларни рўёбга чиқаришда деҳқонлар, фермер ва тадбиркорларга қўл келмоқда.

Деҳқонни қадр топган юрт

Мурод АШУРОВ,
Жондор туман прокурори

Шу маънода айтадиган бўлсак, аграр соҳада ислохотларни, қишлоқда янги мулкӣ муносабатларни шакллантириш ва мустаҳкамлашда прокуратура органлари тадбиркору фермерларнинг ишончли ҳимоячига айланди.

Прокуратура органлари томонидан мамлакатимиз Президентининг соҳага оид Фармон ва қарорлари ижросини тўлиқ таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Худуднинг иқлим шароити, ернинг мелiorатив ҳолатини ҳисобга олиб, эрта баҳорда ерга уруғ қадаган жондорлик бободоҳқонлар ўз меҳнатларининг самарасини кўришди, десак муболага бўлмайди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табрик-қутловида Жондор туманидаги "Бахтиёр Яраш ўғли" фермер ҳўжалиги раҳбари Бахтиёр Ярашевнинг эътирофи этилиши замирида ҳам тинимсиз шижоат, эл-юрт ташвишида ёниб-яшаш туйғуси муҳасам. Давлатга уруғлик дон сотишда юқори натижа қайд этилиб, 1573 тонна ўрнига 1837 тонналик сара бугдой хирмони уюлиб, республикада уруғлик дон етиштиришда Жондор тумани биринчилар қаторида шартномада белгиланган режани 117 фоизга бажарди.

Айтиш жоизки, миллий бойлигимиз бўлган пахтачиликда ҳам Жондорда ўзига хос мактаб яратилди. 2013 йил пахта ҳосили учун 14250 гектар ер майдонида чигит экилди. "Ерни боқсанг, ер сени боқадӣ", деган нақлга амал қилган деҳқонлар керак-ақл агротехник тадбирларни амалга ошириб, ерларни озик-лантйриш меъёрларини сақлашда ҳам яхши натижаларга эришмоқдалар.

Бугунги кунда ҳар бир фермер ҳўжалиги даласида ишлаётган механизатор ва сувчиларга ўз вақтида меҳнат ҳақлари тўланаб, иш шароитлари ҳамда ҳордиқ чиқаришлари учун етарлича эътибор қаратилмоқда.

Туманда суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш борасидаги Давлат дастурларидан келиб чиқиб, бажарилаётган катта ҳажмдаги, сифатли ишлар ҳосил чўғининг юқори бўлишига ўзига хос замин яратди. Туманининг "Пўлоти", "Хумин", "Мирзаён", "Хумдонак" қишлоқ фуқаролар йиғинлари худудларидаги мелiorатив ҳолати оғир бўлган 120 гектар суғориладиган майдонларда иш олиб борилди. Жумладан, 4,2 километр очиқ зовур барпо этилди. Шунингдек, бош пудратчи "Ромитан" ДУК томонидан 334 млн. сўм маблағ сарфланиб, тумандаги 3 та худудга қарашли 22 километр узунликдаги мавжуд зовурлар мукамал таъмирланди. "Қорақўл" ДУК ҳамда "Когон сув хизмати" масъулияти чекланган жамияти томонидан қиймати 1 млрд. 338 млн. сўмлик ишларнинг бажарилиши "Марказий Бухоро" зовурининг сизот сувлари сатҳини камайтирди. Мазкур зовурнинг АК-72 ва ПК-348 йўналишларида 10 та мелiorатив насосларнинг ўрнатилиши эса сув таъминоти масаласида қўйналаётган "Қароли", "Навработ", "Сепатта" ва "Анели" қишлоқ фуқаролар йиғинлари худудларида жойлашган фермерларнинг муаммоларини бартараф этди.

Туман прокуратураси томонидан гўза майдонларини парваришлаш бўйича доимий назорат тадбирлари олиб борилиб, қонунбузилишга йўл қўйган шахсларга нисбатан прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жумладан, 2013 йил 19 июнь куни "Пўлоти" ҚФЙ худудидаги "Жўйзар" фермер ҳўжалигининг пахта майдонларида 1600 кг. минерал ўғитни тегишли минерал ўғитлар шохобчасидан татишда иштирок этмаганлиги ва фермер ҳўжалиги пахта майдонидан қаровсиз қолдирилганлиги у туман ИИБ профилактика инспектори У.Ражабов ва ушбу фермер ҳўжалигида худуд профилактика инспекторининг иштирокисиз минерал ўғитнинг етказиб берилишига йўл қўйганлиги учун "Қишлоқҳўжаликимм" филиалининг 3-шохобча мудири Ф.Неъматовга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, жавобгарлик таъминланди.

Бундан ташқари, туман ҳокимлиги мансабдор шахслари ва айрим фермер ҳўжаликлари раҳбарлари томонидан пахта экиладиган майдонларда беда, сабзавот ҳамда бошқа экинларнинг экилиши ва ерларнинг бўш қолдирилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, қонунбузилиши ҳолатларини келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш тўғрисида туман ҳокими ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиги номига тақдимномалар киритилиб, қонунбузилиши ҳолатлари бартараф этилди.

Қасби, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар ҳар бир соҳада қонунийликка амал қилиш, виждон уйқоқлиги-ю дахлдорлик туйғусини ёдда сақласак, амалга оширилаётган фаолиятимизда албатта, салмоқли ютуқларга эришамиз. Пахтакору ғаллакорларнинг меҳнатлари фаолияти нуктаи назаридан қаралганда эса, хирмонларимиз янада юксалади. Дастурҳонимиз тўқин, турмушимиз фаровон бўлишига имкон яратади.

Тадбиркорлик — қонун ҳимоясида

Рустам АРТИКОВ,
Узун туман прокурори

Бугун мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган илчил ислохотлар ўзининг ижобий самараларини бераётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Айниқса, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари тобора мустаҳкамланиб, соҳани ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини таъминламоқда. Тадбиркорлик ва ишбилармонликка қобилиятли фуқаролар бундай имтиёз ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, турмушини обод қилгани ҳола, жамият ва давлатга фойда келтиришмоқда.

Юртимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга устувор вазифа сифатида қаралиб, бу борада Узун туман прокуратураси томонидан ҳам соҳага доир қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини таъминлаш борасида 2013 йилнинг ўтган биринчи ярим йиллигида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, тумандаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат идоралари ҳамда бошқа мутасадди идора раҳбарлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб келаётган тадбиркорлик субъектларининг шикоятлари ва муаммоларининг амалда ечимини таъминлаш мақсадида учрашувлар жадвали ишлаб чиқилиб, ҳар ойда 2 маротаба шундай тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 12 та ана шундай учрашувлар ўтказилиб, унда 300 та тадбиркорлик субъектлари қатнашди. Учрашувлар натижаси бўйича 7 нафар тадбиркорлик субъектларига 257 млн. 870 минг сўмлик кредит ажратилишда амалий ёрдам берилиб, 125 нафар тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Бундан ташқари, ишонч телефонлари орқали тадбиркорлар мурожаатларининг қабул қилиниши ва ҳал этилишини фаоллаштириш, кўрилган чоралар ҳар ойда оммавий ахборот

воситаларида тарғиб қилинишини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида туман прокуратурасида "007" рақамли ишонч телефони ташкил этилган. Тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувлар бўйича улар томонидан ишонч телефонида бўлаётган қўнғироклар алоҳида назоратга олинган бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида 14 нафар фуқаро ва тадбиркорлик субъектлари томонидан мурожаат қайд этилган ва уларнинг барчаси қаноатлантирилган. Жумладан, туманда фаолият кўрсатиб келаётган "Бедил Самира" хусусий корхонаси бошлиғи С.Мадаминов ишонч телефонида мурожаат қилиб, кредит олишда амалий ёрдам беришни сўраган.

Прокуратуранинг аралашуви билан "Бедил Самира" хусусий корхонасига банкдан 120 млн. сўм кредит олиб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, туман ҳокимлиги томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги ҳам ҳар ўн кунда ўрганиб борилаётган. Жумладан, туман ҳокимлиги томонидан жорий йилнинг ўтган даври давомида жами 484 та, шундан тадбиркорлик субъектлари билан боғлиқ 102 та қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ўрганилиб, маълумотномалар тузилди.

Юқорида таъкидланганидек, бугун юртимизда тадбиркорликни бошлаш ва ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилган. Уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларга кескин чоралар кўрилиб, ишбилармонларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинапти. Туман прокуратураси томонидан бундан кейин ҳам тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ишига устувор вазифа сифатида қаралиб, бу борада самарали фаолият олиб борилади.

Нафсим менинг...

Баъзи инсонлар борки, ўзига инъом этилган ширин ҳаётни, бу дунёда топаётган ризқини ўзлари била туриб, йўқ қиладилар. Уларга нисбатан халқимизда "беш панжасини оғзига тикибди-ла", дейишади. Дарҳақиқат бу бежизга айтилмаган. Чунки, айрим кимсалар қонуний ишлаб, ҳалол яшаш учун етарли имкониятга эга бўлсаларда, ноқонуний йўлга ҳам киришни қўнғиллари тусади қолади. Оқибатда эса...

Миршохид ҲАКИМОВ,
Навоий вилоят прокуратураси
катта терговчиси

Шавкат Раҳматуллаев Хатирчи туманидаги "Тараққиёт-Нур-Ният" идораларо шахсий таркиб архиви мудири лавозимидан ишлаб келиб, эгаллаб турган мансаби ва ваколатлари доирасига кўра масъул мансабдор шахс ҳисобланган. У ўзининг мавқеи ҳамда хусусий шахсий таркиб архиви мудири сифатида ўзига хизмат юзасидан берилган ваколатлардан ғаразли мақсадда фойдаланганлиги фош бўлди.

Мазкур архиви Хатирчи туман ҳокимининг 2007 йил 20 июлдаги қарори билан тугатиш белгиланган эди. Бироқ Ш.Раҳматуллаев бойлик орттириш мақсадида архивнинг тугатилишини таъминламасдан, унинг фаолиятини юритиб келган. 2010 йил январь ойида фуқаро Абдумўмин Болиев Ш.Раҳматуллаевга мурожаат қилиб, қонуний асосларда отаси Мамат-

қул Болиевнинг тумандаги собиқ Ш.Рашидов номли жамоа ҳўжалигида ишлаганлиги ва иш ҳақлари тўғрисида маълумотнома беришини сўрайди. Ш.Раҳматуллаев эса унга отаси М.Болиевнинг нафақасини кўтариб кўрсатиш учун 5 йиллик иш ҳақи қўшиши лозимлигини, ушбу иш ҳақларини қўшмаган тақдирда М.Болиевнинг нафақа микдори қўпайтирилмаслигини айтиб, иш стажы қўшилган сохта маълумотнома-ни ёзиб бериш эвазига 800 минг сўм пора талаб қилади ва бунинг уддасидан чиқади.

Ш.Раҳматуллаев бундай хатти-ҳаракатларини давом эттириб, 2012 йил 26 январь куни фуқаро С.Бобокулов онаси Мухаррам Бобокулованинг собиқ Ш.Рашидов номли жамоа ҳўжалигида ишлаганлиги ва иш ҳақлари тўғрисида маълумотнома сўраланигидан ҳам фойдаланиб қолади. У худди юқоридаги

каби иш стажы қўшилган сохта маълумотнома ёзиб бериши эвазига 500 минг сўм пулни пора тариқасида талаб қилиб, шу куннинг ўзида аванс сифатида 50 минг сўм олади.

С.Бобокулов бундай ноқонуний хатти-ҳаракатлар юзасидан тегишли жойга ариза билан мурожаат қилади. Бу ҳолат юзасидан вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Ш.Раҳматуллаев ўзи яшайдиган ҳовлисидан қизи орқали 450 минг сўм пулни пора тариқасида олаётган вақтда қўлга олинди.

Ш.Раҳматуллаевнинг айби жиноят иши юзасидан тўпланган ҳужжатлар, ашъвий далиллар билан ўз исботини топди.

Суд Ш.Раҳматуллаевни ЖКнинг тегишли моддаси билан айбдор деб топи ва унга нисбатан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Шунингдек, у 3 йил муддатга масъул мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Баркамол авлод — юрт таянчи

1991 йил 20 ноябрь. Бундан салкам 22 йил муқаддам Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги дунёга эълон қилинган бир пайтда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинишида ўзига хос рамзий маъно бор эди. Мазкур қонуннинг муқаддимасида давлат халқ манфаатларини кўзлаб, "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонунга асосланиб, республика ёшларининг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш алоҳида қайда этилди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида белгиланган ушбу давлат сиёсати босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиб борилди.

Жумладан, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгалиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатли ва мактаб ишлари давлат назоратида бўлиши белгиланган. Шунингдек, республикамиз БМТ томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари таъминлашга оид асосий халқаро шартномаларга қўшилди. Шулар қаторида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга оид халқаро стандартларни белгилаб берувчи "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"ги ҳамда "Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шомиллик қоралар тўғрисида"ги конвенцияларни кўрсатиш мумкин. Ушбу ва бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқ нормалари миллий қонунчилигимизда ўз аксини топди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури

тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунлар, ҳусусан, миллий таълим тизимининг асосий пойдевори бўлган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳаётга татбиқ этилди.

Халқимизда вақт олий ҳакам, деган нақл бор. Миллий таълим тизимидаги биз танлаган мазкур йўл ҳаёт синоваларидан муваффақиятли ўтди. Юксак билим ва юқори касбий малакага эга ёшларимизнинг улкан илмий салоҳияти, эришяётган ютуқларини кўрганда, бу эзгу ишлар ўз ҳосилини бераётганига, орзу-ниятларимиз ушалаётганлигига шуқуруна айтмиз. Қисқа муддатларда барпо этилган 1500 ортқ касб-хунар коллежлари, академик лицейларда тахсил олаётган фарзандларимизнинг юз-кўзидаги мамнунийлик, бахтли ҳаёт сурури барчамизнинг қувончимизга қувонч қўшади. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда: "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта

бахтли бўлишлари шарт" ибораси ҳаётда ўзининг натижасини бераётганидан қувонишга ҳақлимиз.

Таълимга бўлган эътиборни қаранг! Давлатимиз ёш авлод тарбиясига доимий ғамхўрлик кўрсатиб, ҳар йили мамлакат бюджетининг қарийб 60 фоизини ижтимоий соҳаларни молиялашга йўналтирмоқда. Эзгу мақсадларни кўзлаб ажратилаётган бу маблағлар наслимиз давомчиларининг замонавий шароитларда таълим-тарбия олишлари таъминлашга хизмат қилаётган ва бу эзгу ишлар давом этаётган.

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг аҳамияти ва даражасини бугун дунё эътибор этмоқда. Президентимиз раҳнамоллигида таълим соҳасида ўтказилган ушбу ислохотлар ва уларнинг натижалари ҳусусида сўз юритганда, хорижликларнинг эътибори ва эътирофига сазовор бўлган 12 йиллик бепул таълим тизими ҳақида сўз юритиш албатта, ўринли. Мазкур таълим тизимининг ҳуқуқий асослари ҳақида фикр юритганда эса, бу жараёнларни тартибга солувчи 2 та қонунга алоҳида тўхталиш лозим. Булар Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ҳамда "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонунлардир.

"Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидида мамлакатимизнинг таълим тизими ягона ва узлуксизлиги ҳамда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари белгилаб қўйилди. Ушбу принциплардан таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, умумий ўрта, шунинг-

дек, ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги тамойилларини алоҳида таъкидлаш лозим. 12 йиллик таълимнинг мажбурийлиги ҳақида гапирганда, боланинг бевосита ўқиш давомида умумтаълим фанларидан сабоқ олиши билан бирга 2-3 та замонавий, бугунги кун талабларига жавоб берадиган мутахассисликка эга бўлиши мумкинлиги ҳам кафолатланди.

"Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" деб ном олган таълим соҳасини ислох қилиш дастури иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг, биз танлаган тарқиқёт йўлининг ажралмас таркибий қисми эканлигини таъкидлаш ўринли. Миллий дастурни босқичма-босқич рўёбга чиқариш орқали таълим тизимини ривожлантириб бориб, халқаро стандартларга мослаштириш бевосита қонунда белгилаб қўйилганлиги натижасида бу борадаги ишлар аниқ режа ва тартиблар ҳамда муддатлар асосида амалга оширилди ва бугун ҳам давом эттирилмоқда. Хуллас, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонун таълим соҳасини ислох қилиш дастурининг ҳуқуқий асосини белгилаб берди.

Фарзанди, зурриётининг келажига учун қайғуриб яшайдиган халқимизнинг таълим-тарбия масаласидаги орзу-умидлари, ниятлари амалга ошаётган. Бунини ушбу қонунларнинг мазмун-моҳияти ва унинг ижросида кўраёмиш.

19 ёш. Инсоннинг мушакли ҳаёт бўсағасидаги энг муҳим даври. Илгари бу ёшдаги ўсмирлар олий ўқув юртига қисм олмас, даладан бошқа жойда ишлаши амри маҳол

Абдуқаҳҳор МУЛЛАЖОНОВ,
Сергели туман прокурори

эди. Ҳозир-чи?.. Бу ёшдаги коллеж битирувчилари тайёр мутахассис. Улар ўз мутахассислиги бўйича турли корхона ва ташкилотларга ишга кириб, мустақил ҳаётга дадил қадам қўймоқда. Фикримизни Тошкент шаҳар Сергели тумани мисолида давом эттирсак. 2012-2013 ўқув йилида тумандаги 7 та касб-хунар коллежидан 3172 нафар ўқувчи битирди. Сергели туман прокуратураси ташаббуси билан бошқа масалага масъул идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 16 мартаба меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Мазкур битирувчиларнинг асосий қисми ўзлари тахсил олган касб-хунар бўйича меҳнат фаолиятини бошлаган.

Фуқароларнинг, шу жумладан, вояга етмаганларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратура органлари олдида қўйилган энг долзарб вазифалардан биридир. Ушбу вазифанинг тўлақонли бажарилишини таъминлаш ҳусусида Республикамиз Бош прокурорининг алоҳида буйруғи қабул қилинган. Унда вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини олиб боришдаги устувор йўналишлар қатъий белгилаб берилган. Ана шу вазифаларни бажариш учун туман прокуратураси томонидан бу борада доимий равишда назорат тадбирлари олиб боририлиб, қонунни бузган айбдор шахсларнинг жавобгарлиги ҳал этилмоқда.

(Давоми 8-бетда)

Коммунал соҳа доимий назоратда

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳар томонлама юксак шароитларга яшашлари учун етарли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Мухтарам Президентимизнинг эътибори натижасида Хоразм вилояти аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, газ ва электр таъминотидаги узилишларга йўл қўймаслик борасида қатор ишлар олиб боришмоқда. Зеро, юртошошларимизнинг тинч ва фаровон турмуш кечириб, юрт ободлигига муносиб ҳисса қўшишларида кўрсатилётган коммунал хизматларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Хоразм вилоят прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 февралдаги "Коммунал хизматлар тарифларининг асосий равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамда фуқароларнинг газ ва электр тармоқларидаги ноқонуний улашларнинг олдини олиш борасида ишлаб чиқилган тадбир ижроси юзасидан доимий прокурор назорати ўрнатилган. Асосий эътибор коммунал тўловлардан қарздорликни кескин камайтиришга, газ, электр тармоқларига ноқонуний улашларнинг олдини олиш чораларини қўйиштиришга ҳамда қарорда қайд қилинган бошқа долзарб масалаларга қаратилмоқда. Бу каби чора-тадбирлар натижасида 2013 йилнинг 1-ярмида кўрсатилган 127,1 млрд. сўмлик коммунал хизматларнинг 104,7 млрд. сўми ёки 82,3 фоизи ундирилишига эришилди. Ҳусусан, "Туямўйин Урганч" МСКФБда дебитор қарздорлик 365,6 млн. сўмга камайган.

Коммунал хизматлар кўрсатиш ташкилотларининг кўрсатилган хизматлардан юзага келган қарздорликларни бар-тароф қилиш чораларини кўриш бўйи-

ча олиб борилган назорат фаолияти давомида жорий йилнинг 1-ярмида аҳоли хонадонларидан 14509,8 млн. сўмини ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларга даъво аризалари киритилиб, 3776 млн. сўми ундирилган. Улгўрчи истеъмолчилардан 3990,3 млн. сўмини ундириш бўйича вилоят ҳўжалик судига киритилган даъво-лар бўйича 2189 млн. сўм ундирилиши таъминланган.

Бунда қўлланилаётган бир қатор тажрибаларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Ҳусусан, мулкчилик шаклидан қатъи назар, мавжуд ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари, мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш ва корхоналар ҳамда уларда ишловчи ходимларнинг истеъмол қилинган энергия манбалари учун коммунал тўловларни уларнинг иш ҳақларидан ихтиёрийлик асосида ундириб берилишини таъминлаш мақсадида шаҳар-туман иқтисодиёт комплекси ходимлари корхона ва ташкилотларга масъул қилиб белгиланган. Шаҳар ва туман ҳокимлари фармойишларига кўра, махсус штаблар ташкил этилиб, улар таркибига прокурор, ДСИ, молия ва банк ходимлари киритилган ва қарздорликнинг ундирилиши мувофиқлаштирилиб боришмоқда.

"Қарс икки қўлдан чиқади", дейдилар. Қарздорликни ундиришда кўрсатилётган хизматлар сифатини ошириш

ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, ҳудудларда электр ва газ тармоқларида авария, тармоққа четдан таъсир ўтказиш ҳолатларининг олдини олиш, юзага келган ноқуш ҳолатларни қисқа муддатларда аниқлаш ва бартароф этишда ҳамкорликни яхшилаш, аҳоли томонидан тармоққа ноқонуний улашлар ҳолатларининг олдини олиш, бу борада жойлардаги қишлоқ ва фуқаролар йиғинлари раисларининг масъулиятини ошириш чоралари қўрилмоқда. Шунингдек, ҳудудлардаги барча трансформатор ва газ тақсимлаш қурилмалари қайта қўриқдан ўтказилиб, қулфланиши, масъул шахсларга бириктирилиши таъминланди. Йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Ҳусусан, Ҳазорасп туман прокуратураси томонидан мазкур топшириқ юзасидан ўтказилган текширишда газ тақсимлаш қурилмаларида режали тафтиш ишлари бажарилмаганлиги, уларга ўрнатилган қулфларни диспетчерлик хизматидаги рўйхатга олиш дафтери юриштирилмаганлиги ва ўрта босимли газ тақсимлаш қурилмаларининг 7 тасида босим ўлчаш монометрлари ўрнатилмаганлиги, мавжуд 351 трансформатордан 18 тасига қулф ўрнатилмаганлиги аниқланиб, 5 нафар масъул шахсга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилган.

Хонқа туман прокуратураси томонидан истеъмолчиларга кўрсатилётган коммунал хизматлардан юзага келган қарздорликлар таҳлил қилиниб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ва уларни бартароф этиш юзасидан туман газ филиали ва туман электр тармоқлари корхонаси раҳбарлари номига тақдирномалар киритилган ва улар асо-

Дилшодбек МАДИРИМОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси
бўлим катта прокурори

сида 13 нафар электр тармоқлари назоратчиси, 15 нафар тумангаз филиали назоратчиси интизомий жавобгарликка тортилган.

Вилоят прокуратураси томонидан Президентимизнинг юқорида қайд қилинган қарори ижросини таъминлаш мақсадида ушбу йўналишда прокурор назоратини кескин қўйиштириш, коммунал хизматлардан юзага келган қарздорликлар, шунингдек, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган қарзларни ундиришда ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида 2013 йил 1 майда Қўшма фармойиш ва қўшма кўрсатма ишлаб чиқилди. Шу асосда жорий йилнинг май ва июнь ойлари давомида 285 та рейд текширувлари ташкиллаштирилиб, уларда 279 та тармоққа ноқонуний улаш ҳолатлари аниқланган. Қўйиладиган қарздорлик нисбатан 261,2 млн. сўм жаримлар қўлланилиб, 56,9 млн. сўмининг ундирилиши таъминланган. Икки ой давомида вилоят коммунал ташкилотлари томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларга 6212,8 млн. сўмини ундириш бўйича 9459 та даъво аризалари киритилиб, 2497,3 млн. сўми ундирилди. Улгўрчи истеъмолчилардан 1418,1 млн. сўмини ундириш бўйича вилоят ҳўжалик судига даъво аризалари киритилиши натижасида 75,3 млн. сўмининг ундирилиши таъминланди. Вилоят бўйича қарздорлик 635,3 млн. сўмга камайди. Шунингдек, коммунал ташкилотлар томонидан қарздор истеъмолчиларни тармоқдан ажратиш чоралари қўрилмоқда.

Ютуқларимиз фаровонликка хизмат қилмоқда

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда)



Вилоят ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган дебитор қарздорлиги 2013 йил 1 июль ҳолатига 3,2 трлн. сўмни, шундан муддати ўтгани эса 47,9 млрд. сўмни ташкил қилмоқда. Прокуратура органлари томонидан олиб борилган ҳаракатлар натижасида муддати ўтган қарздорлик 9,9 млрд. сўмга камайишига эришилди. Кредитор қарздорлик эса 4 трлн. сўмни, шундан муддати ўтгани 124,6 млрд. сўмни ташкил этиб, муддати ўтган қарздорлик йил бошига нисбатан 34,5 млрд. сўмга камайтирилди.

Коммунал тўловлардан қарздорлиқни бартараф қилиш ва истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш борасида вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида жиддий қонунбузилишларга йўл қўйилаётганлиги аниқланиб, тегишли прокурор нозорати ҳужжатларини қўллаш орқали ушбу қонунбузилиш ҳолатларининг бартараф қилиниши таъминланмоқда. Хусусан, Юқорчи Чирчиқ туманида яшовчи фуқаро Т.Джаббаров ўзига тегишли бўлган 0,19 гектар ер майдонида ташкил қилган иссиқхонада экилган помидор кўчатларини парваришlash учун "Юқоричирчиқтумангаз" филиалидан тегишли рухсатнома олмастан ўзбошимчалик билан табиий газ тармоғига уланиб, ноконуний равишда фойдаланиб келиши натижасида филиал манфаатларига жами 24 млн. сўм миқдорида зарар етказганлиги аниқ-

ланди. Туман прокуратураси томонидан фуқаро Т.Джаббаровга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари қўлланилиб, жиноят иши қўзғатилди ва жазо муқаррарлиги таъминланди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан давлат мулки ва бюджет маблағларининг сарфланишига оид қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасида ноконуний ҳужжатларга нисбатан 43 та протест келтирилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 5 та тақдимнома киритилган. Бунга йўл қўйган шахсларнинг 62 нафари маъмурий, интизомий ва моддий жавобгарликка тортилди ҳамда етказилган зарарнинг 15,4 млн. сўми ихтиёрий равишда қопланиб, 15,5 млн. сўмлик етказилган зарарни ундириш бўйича судларга 14 та даъво аризалари киритилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан Республика Президентининг Фармонлари, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш борасида ўтказилган назорат тадбирлари давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 16 та тақдимнома киритилиб, 17 та ноконуний қарорни бекор қилиш бўйича протест келтирилди. Хусусан, вилоят прокуратурасининг ишонч телефониغا Паркент туманида фаолият кўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркор С.Якубов мурожаат қилиб, ўзига қарашли озиқ-овқат

дўкони оғоҳлантиришсиз электр энергияси таъминоти-дан узиб қўйилганини маълум қилган. Мурожаатни қўриб чиқиш жараёнида туман прокуратураси томонидан "Паркент тумани электр тармоқлари корхонаси"нинг назоратчи-монтери М.Усмоновга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, яқка тартибдаги тадбиркор С.Якубовга тегишли озиқ-овқат дўконининг электр энергияси тармоқларига уланиши таъминланди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятида олиб борилган амалий ишлар натижасида вилоятда галла тайёрлаш ва давлатга топшириш шартномавий режалари ортиси билан ууддаланди. Бунда асосий эътибор пахта ва галла экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб бориш, ер ажратишдаги суи-истеъмолчиликлар, гидротехника, мелiorация иншоотлари ҳамда қишлоқ ҳўжалиги техник-касини ишлатишда ҳўжасиз-лик, минерал ўғитлар ва ёнил-ғой-мoyлаш махсулотларини талон-торож қилиш каби ҳўлатларнинг олдини олиш, фермер ҳўжаликларининг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратилди.

Мазкур соҳада ўтказилган 89 та текшириш ва мониторинг-лар натижасига кўра 4 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳўж-жатлари қўлланилди.

Дехқон-фермер ҳўжаликларини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳўқуқлари ва қонуний манфа-

атларини ҳимоя қилиш вилоят прокуратурасининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Бу жараёнда уларнинг бузилган ҳўқуқларини тиклаш чоралари қўрилмоқда. Хусусан, прокуратура органлари томонидан фермер ҳўжаликлари-га 6 млрд. сўм дебитор қарзларини ундиришда, 99,6 млрд. сўмлик банк кредитлари олиш учун, 444,2 гектар ер, 140 тон-надан зиёд минерал ўғит, 25 тонна нефт махсулотлари, 26 дона қишлоқ ҳўжалиги техник-каларининг қонуний асосда ажратиб берилишида кўмакла-шилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан вояга етмаганлар ўртасида ҳўқуқбу-зарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш хусусида мак-таб, маҳалла ва кенг жамоат-чилик орасида олиб борилган профилактик тадбирлар нати-жасида улар ўртасидаги жи-ноятчилик 0,8 фоизга камай-ди.

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан на-зорат соҳасида ўтказилган текширишлар натижаларига кўра 320 та тақдимномалар ки-ритилиб, 1681 нафар шахс ин-тизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Бу соҳада 141 та ноконуний қарорлар протестлар асосида қонунга мувофиқлаштирилди. Вояга етмаганлар манфаатла-рини қўзлаб, судларга 19,1 млн. сўмлик 34 та даъво ари-залари киритилди.

Солиққа оид қонунчилик ижросини таъминлаш бораси-да СВОЖДЛҚК департамен-тининг вилоят бошқармаси ҳамда Давлат солиқ бошқар-маси органлари фаолияти устидан назорат қўйирилди. Солиқ тўловчиларнинг ҳўқуқлари ва қонуний манфа-атлари таъминланишига ало-ҳида эътибор қаратилиб, аниқ-ланган қонунбузилиш ҳўлат-ларига қатъий муносабат бил-дириб келинди.

Мазкур йўналишда ўтказил-ган 274 та текширувлар нати-жаларига кўра 226 та проку-рор назорати ҳўжатлари қўлланилди. Қўпол қонунбузи-лиш ҳўлатлари юзасидан

8 та жиноят иши қўзғатилиб, судларга 4,6 млн. сўмни ун-дириш ҳақида 8 та даъво ари-залари киритилди.

Жиноятчиликка қарши ку-раш, унинг олдини олиш бо-расидаги фаолият мувофиқ-лаштирилиб, ҳўқуқни муҳофа-за қилувчи органлар ўртаси-да ўзаро ҳамкорлик таъминла-ниб, вилоят бўйича умумий жиноятчиликнинг 0,2 фоизга камайиши кузатилди. Жиноят-чиликка қарши курашнинг асосий омилларидан бири бўлган жиноятларнинг ўз вақти-да фoш этиш, тезкор-қидирув фаолиятини жадаллаштириш ва жазо муқаррарлигини таъ-минлашда олиб борилган тад-бирлар натижасида умумий жиноятларнинг 82,4 фоизи фoш этилди.

Дастлабки тергов ва су-риштирув фаолияти устидан назорат олиб боришда асосий эътибор ушбу жараённинг тўлиқ, ҳoлис ва сифатли ўтқа-зилиши, жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг терговда қопланишига қарати-либ, прокуратура терговчи бўйича аниқланган жиноятлар натижасида етказилган 18 млрд. 805 млн. сўмлик зар-арнинг 18 млрд. 475 млн. сўми ёки 97,8 фоизи даст-лабки терговда қопланди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даври мобайни-да фуқароларнинг мурожаат-лари ҳамда уларни қабул қилишга жиддий эътибор қаратилиб, жами келиб туш-ган 7021 та мурожаатлардан 2721 таси бевосита прокурор-тергов ходимлари томонидан ҳал этилиб, 223 таси қаноат-лантирилди. 152 нафар фуқаронинг бузилган ҳўқуқлари тикланиб, қонуний манфаатла-ри ҳимоя қилинди.

Қонунчилик тарғиботи со-ҳасида 6404 та тадбирлар ўтказилди. Матбуот, радио ва телевидениеда 1202 та чиқиш-лар қилинди. Асосий эътибор қонунчиликда бераётган ўга-ришлар ва амалга оширилаёт-ган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини бевосита мулоқот-лар ва учрашувлар ўтказиш орқали аҳолига тушунтириш ишларига қаратилмоқда.

Назорат кўчайтирилди

Мамакатимизда истиқлолнинг ilk кунларидан бошлаб фуқароларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Бугун фуқаро ўзини қизқирган савол, таклиф, шикоят билан давлат ва жамоат муассасасига Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунига белгиланган ҳўқуқлардан фойдаланган ҳолда мурожаат қилиш ҳўқуқига эгадир.

Шу маънода фуқароларнинг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида туман прокуратураси томонидан Чиноз туман ҳокимлигида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси юзасидан текшириш ўтказилди. Унда туман ҳокимининг ўринбосарлари ва масъул шахслари, тумандаги давлат корхона ва муассасалари мансабдор шахслари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларга лоқайдлик билан қараганликлари оқибатида бир неча ҳолатда қонун талаблари бузилганлиги аниқланди.

Мисол учун, 2013 йил 4 январь кuni Чиноз тумани, "Яллама" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро А.Миразмедовнинг қишлоқ фу-

қаролар йиғинида йўл қўйилаётган қонунбузилиш ҳўлатлари юзасидан туман ҳокими номига ёзган аризаси тегишли тартибда ҳал этиш учун "Давлат мулкни ижарага бериш маркази" ДУК вакили С.Таджиқуловга чиқарилади. У эса орадан икки ойдан ортиқ вақт ўтганидан сўнг туман ҳокими-га маълумотнома ва аризачига ҳеч бир мазмунга эга бўлмаган жавоб хати тайёрлайди. Ачинарлиси, тайёрланган мазмунсиз жавоб хатининг ҳам аризачига юборилиши таъминлан-масдан, икки нусхаси туман ҳоким-лигининг умумий бўлимида қолавер-ган. "Т.Эрназаров" фермер ҳўжалик-лари уюмчаси "Маданият" маҳалла-си хотин-қизларининг маҳалла кўча-сини асфальтлаб бериши сўраб ту-

Файрат МУҲАМЕДОВ,
Чиноз туман прокурори

ман ҳокими номига ёзган аризаси тақдир ҳанг юқоридаги сингари жавобсиз қолган.

Туман ободонлаштириш ва кўка-ламзорлаштириш бўлими бошлиғи А.Исоқовнинг "Чиноз" қишлоқ фуқаролар йиғини, Гулзаробод маҳалла, "И.Шарипов", "Янги", "Янгиобод", "Қози", Пахтаобод, "Авғон", "Оқ олтин", "Ишчилар шаҳарчаси" маҳалла фуқаролар йиғини, "Эшонабод", "Ўзбекистон", "Ислохот" қишлоқ фуқаролар йиғини фаолларининг мурожаатларига бепасандлик билан муносабатда бўлганлиги ҳам текширишда аён бўлди.

Шунингдек, туман ҳокимининг 1-ўринбосари томонидан "Тўхтабтой ота набиралари" фермер ҳўжалиги раҳбари А.Турдибоевнинг, фуқаро Б.Хикматовнинг, "Шухрат Бехру фазл" фермер ҳўжалиги раҳбари А.Хайитов-

нинг, "Хайрулло" фермер ҳўжалиги раҳбари Н.Қўшимовнинг, "Сайдибақ-қос фазл" фермер ҳўжалиги раҳбари Т.Алиқуловнинг ва яна 51 та ҳўжалик юритувчи субъектларнинг аризалари-га асоссиз равишда жавоб хатлари жўнатилмаганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, шу каби ҳўлат-ларга туман ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Н.Му-хаммадиева томонидан ҳам йўл қўйил-ган.

Минг афсуски, текшириш давоми-да келиб тушган жами 605 та (2013 йил 1 июнь кuni ҳолатига) ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мурожаат-лари юзасидан биронтасига ҳам ёзма равишда жавоб хати юборилиши таъ-минланмаган.

Юқоридаги қонунбузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга им-коният яратиб бераётган шарт-шаро-итларни бартараф этиш тўғрисида туман ҳокими-га тақдимнома киритилиб, 4 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролар тақдирига ва мурожаатларига бефарқ бўлган ҳар қандай мансабдор шахс кuni келиб, қонун олдида жавоб бе-риши муқаррардир.

Саҳифаларда Тошкент вилояти

Бугунги кунда дунё миқёсида уюшган жиноятчилик, ноқонуний қурол савдоси, коррупция каби жиноятларнинг кенг ёйилиши, шунингдек, гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилишга ружۇ қўйилиши-ю унинг инфекция орқали қонга ўтказиш жараёнида ОИТС касаллигининг кенг тарқалиши, пировардига миллат генофондининг издан чиқишига олиб келмоқда.

Долзарб масалалардан бири

Наримон ИЗМУЛЛАЕВ,
Тошкент вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Ачинарлиси, сўнгги йилларда гиёҳвандликка асосан ёшлар ружۇ қўйишмоқда. Наркомания ва наркобизнесга қарши кураш халқаро ассоциациясининг маълумотларига қараганда, бугунги кунда гиёҳванд эркакларнинг ўртача ёши 31, аёлларники эса 28 ни ташкил қилар экан. Уларнинг 77 фоизи 39 ёшдан катта бўлмаган шахслар бўлиб, ярмидан кўпроги эса 15-19 ёшли ўсмирлардир.


Мутахассисларнинг таҳлилига кўра, гиёҳвандлик юқори асаб тизимини кўзга тутиб, ишдан чиқаргач, инсоннинг руҳий ва жисмоний саломатлигига жиддий путур етказилади. Организмдаги модда алмашинуви бузилиб, охир-оқибат бутун вужуд заҳарланади. Бора-бора инсон организми бундай моддаларни истеъмол қилмаса, қисман ёки бутунлай ишдан чиқади. Бу моддаларнинг инсон организми учун яна бир ўта хавфли томони шундаки, агар бирон шахснинг спиртли ичимликларни муттасил истеъмол қиладиган аҳволга тушиши учун ўртача икки-олти йил етарли бўлса, гиёҳвандга айланиб қолиши учун атиги 1,5-2 ой кифоя қилар экан.

Ўртбошимиз Ислон Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари" номи асарида "Ушбу жиний бизнес яратиб берадиган жуда катта бойлик орттириш имкониятлари унинг иштирокчиларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам, айниқса, "оқ ажал"нинг ҳалокатли оқибатлари билан ҳам ҳисоблашмай, ҳамма ишни қилишга мажбур этмоқда", деган фикрни бежиз билдирмаган эди. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда нафақат дунё ҳамжамияти, балки юртимизда ҳам бу иллатнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1999 йилда "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, 2000 йилда Вазирлар Маҳкамасининг "Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида"ги Низом тасдиқланди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида наркотик воситалар айланмасини назорат қилувчи Давлат комиссияси тuzилиб, Миллий ахборот-таҳлил маркази ишга туширилди. Марказга маълумотларни тўплаш, тўлиқ таҳлил этиб бориш ва зарурат туғилганда уларни керакли идораларга, жумладан, халқаро ташкилотларга тақдим этиш вазифаси юклатилди.

Гиёҳвандлик моддаларининг гайриқонуний айланishiга қарши курашни янада жадаллаштириш мақсадида тузилган режаларни аниқ ва пухта ишлаб чиқиш охир-оқибат ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Жумладан, 2013 йил январь ойида дала ёқала, Бекобод туманидан ўтувчи "Қорасув-Бекобод" автомобил йўли томон кетаётган икки йигит ҳуқуқ-тартибот органи ходимларида шубҳа уйғотади. Холислар иштирокида шахсий тинтув ўтказилганда, фуқаролар Баҳоидир Мухиддинов ҳамда Шокир Қосимовларнинг ёнидан целлофан бўлагига ўралган оч сарғиш ҳамда жигарранг рангли куқунсимон моддалар ашёвий далил сифатида олинди, расмийлаштирилади. Ўтказилган суд-кимёвий экспертизасининг ҳулосасига кўра, ушбу моддалар вазни 17,33 грамм бўлган героин ҳамда 2,64 грамм гашиш гиёҳвандлик воситаси эканлиги аниқланади. Шунингдек, жорий йилнинг февраль ойида ўтказилган тезкор тадбирда гашиш гиёҳвандлик моддасини ўзи истеъмол қилиши баробарида таниши Ж.Эргашевни ҳам "меҳмон" қилиб юрган фуқаро Азамат Данабаев қўлга олинди. Ўтган йилнинг ноябрь ойида тожикистонлик бир танишидан 300 грамм гашишни бир миллион сўмга сотиб олгач, ҳар кун озо-оздан "хуморбосди" қилиб юрган А.Данабаев "мол"нинг 100 граммини поччасининг уйига яшириб қўйганлигини тан олиб, қўрсатма берди.

Юқорида қайд этилган ҳар икки ҳолат юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, суд томонидан оғуфрушларга қилмишларига яраша тегишли жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, ушбу иллатга қарши кураш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, балки кенг жамоатчилигининг ҳам бевосита вазифаси бўлиши шарт. Бу ишни биз учун биров четдан келиб қилиб бермайди.



Мухим устувор вазифа

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий давлат қурилишидаги ислохотлар, мамлакатдаги таркибий ўзгаришлар "Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун" деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга оширишга қаратилган. Бу масала доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва келажақда ҳам шундай бўлиб қолиши тайин.

Боситхон ИНАГАМОВ,
Чирчиқ шаҳар прокурори

Иқтисодийни юксалтириш бўйича қилинган чора-тадбирлар ҳам шу тамойил билан яшашга қаратилган. Айниқса, иқтисодийни модернизация қилиш, хориж инвестицияларини ўзлаштиришнинг юқори суръатларини таъминлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадини юксалтириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳам инсонни камол топтиришда, жамиятнинг келажагини шакллантиришда ўз самарасини бермоқда.

Чирчиқ шаҳар прокуратураси органлари томонидан юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. 2013 йилнинг 6 ойи давомида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар натижалари бўйича 416 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жумладан, мансабдор шахслар томонидан қонунга зид равишда чиқарилган қарорлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларга нисбатан 30 та протест келтирилди. Қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан 9 та тақдирнома киритилиб, 50 нафар мансабдор шахс қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳусусида расман оғохлантирилди. Прокурор тақдирномаси ва қарорлари бўйича 131 нафар шахсга интизомий, 51 нафарига маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилган.

Чирчиқ шаҳри бўйича 2013 йилнинг 6 ойида рўйхатга олинган 1753 та ҳужжалик юртувчи субъектлардан 69 таси маълум бир сабабларга кўра фаолиятини тўхтатиб қўйган эди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида улардан 17 тасининг фаолияти тикланиб,

жами 36 та иш ўринлари қайта яратилди. Бу билан ҳамоҳанг тарзда Чирчиқ шаҳрида 1 минг 700 тадан ортиқ янги иш ўринлари яратилган бўлса, шундан 548 таси тадбиркорлиқни ривожлантириш ҳисобига тўғри келади. Шаҳар аҳолисини иш билан таъминлаш учун прокуратура, ҳокимият ва бошқа масъул идоралар ҳамкорлигида ҳудудда ушбу йилда 3 мартаба меҳнат ярмаркалари ўтказилди. Унда 113 та корхона ва ташкилотлар 3 мингдан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этишди. Ярмаркага жами 310 нафар шахс мурожаат қилган бўлиб, шундан 203 нафарига ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди. Ишсизларнинг 117 нафари эса ишга жойлаштирилди.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг муаммоларини жойларда ҳал этиш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган 14 та учрашувда 390 нафар тадбиркор иштирок этди. Бундай суҳбатларда улар ўзларига керакли ҳуқуқий маслаҳатлар олишди. Шунингдек, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган 11 нафар шахсга руҳсатномалар берилиб, ҳужжатларини расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилди.

Мисолларга мурожаат қилсак: жорий йилнинг 12 апрель кунини шаҳар прокуратурасининг "007" рақамли ишонч телефонида тадбиркор Г.Рўзиева кўнғироқ қилиб, у раҳбарлик қилаётган "Хайриниссо" масъулияти чекланган жамиятга қарашли савдо дўкониди "Ўзсанотқурилишбанк" томонидан ўрнатилган виза терминининг ишламаётганилиги, бу ҳақда банкка мурожаат қилган бўлса-да, банк масъул ходимлари томонидан тегишли мусоабат билдирилмаётганилигини баён этди.

Ўтказилган текшириш натижасига кўра, "Ўзсанотқурилишбанк"нинг Чирчиқ шаҳар филиали бўлими ходими Д.Вакилов томонидан амалдаги қонун талабларининг бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланиб, "Ўзсанотқурилишбанк"нинг шаҳар бўлими ходимлари томонидан йўл қўйилган камчилик тўлиқ ва ўз вақтида бартараф этилди ҳамда банк ходими Д.Вакилов-

га нисбатан интизомий жавобгарликка оид иш қўзғатилди.

Солиққа оид қонунчилик ижросини таъминлаш борасида СВОЖДЛҚК департаменти ҳамда Давлат солиқ органлари фаолияти ҳам доимий назорат қилиб боришмоқда. Мазкур йўналишда 13 та текширув ўтказилиб, соҳадаги қонунбузилиш ва унинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда бунга имконият яратяётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан 1 та тақдирнома киритилди. Унга кўра, 6 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Қонунга зид равишда чиқарилган қарорлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларга нисбатан эса 3 та протест келтирилди. Шунингдек, дастлабки тергов ва суриштирув фаолияти устидан назорат олиб боришда асосий эътибор ушбу жараённинг тўлиқ, ҳолис ва сифатли ўтказилиши, жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарни терговда қоплашишига қаратилди. Бу борада прокуратура тергов бўйича жами 442 млн. 499 минг сўм миқдордаги зарарлар аниқланиб, шундан 392 млн. 382 минг сўми тергов даврида ундирилди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг мурожаатларига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Шаҳар прокуратураси ходимлари томонидан ўтган 6 ойда 508 нафар фуқаро қабул қилинган. Мурожаатлардан 128 таси бевосита прокурор тергов ходимлари томонидан ҳал этилиб, 24 таси қаноатлантирилди. Бу борада жойларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини тезкорлик билан тўлақонли таъминлашга эришиш мақсадида ташкил қилинган "007" рақамли ишонч телефонлари имкониятларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Қонунчилик тарғиботи борасида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунларга ҳурмат ва қонунбузилишларга мурокасизлик руҳида тарбиялаш борасида 337 та тадбирлар ўтказилиб, матбуот, радио ва телевидениеда ҳам бир қатор чиқишлар қилинди. Шунингдек, қонунчиликда бўлаётган ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини бевосита мулоқотлар ва учрашувлар ташкил этиб, аҳолига тушунтириб борилаётгани.

Фаолиятимиз мезони

Мустақиллик ва озодликни ҳам инсон учун зарур бўлган сув ва ҳаво каби жуда муҳим ҳаётий эҳтиёжлар сирасига қўшасак, муболаға бўлмаса керак. Шу маънода, йиғирма икки йиллири, ҳалқимиз энг улуғ, энг азиз неъмат — ҳуриликдан баҳра олиб, ҳаёт кечирмоқда. Ўтган йиллар янги тарихимизга қай тарзда муҳрланган, мустақиллик бизга нима берди? Биз мустақилликни мустақамлаш учун нима қилдик?

Ҳаётимиздаги бу каби саволларга асосли ва ўринли жавоблар бор. Истиқлол шарофати билан ҳалқимиз, аввало, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди. Ҳуқуқ эса инсоннинг эрки, орзу-умидлари, ният-мақсадлари, қадриятлар, анъаналар, умуман, барча-барчасини ўзида мужассас эта олади.

Янги даврга келиб ислохот ислохот учун эмас, чин маънода, инсон учун хизмат қила бошлади. Қўллар қонунлар, қарор ва Фармонлар амалга киритилди. Қонун нима учун қабул қилинади? Табиийки, эл-юрт, жамият ва давлат манфаатларининг муҳофазаси учун. Шундай экан, қонунлар ижросига жиддий эътибор билан ёндашмоғимиз, қонунбузарликларга нисбатан муросасиз бўлишимиз даркор. Фаолиятимиз шу мезонлар асосига қўрилган.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг Наманган вилоят бошқармаси ва ҳудудий бўлимлари ходимлари томонидан ҳам жорий йилнинг 6 ойи давомида солиқ ва валютаси оид жиноятлар, жинсий даромадлар

ни легаллаштириш, коррупция, яширин иқтисодиётга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Асосий эътибор профилактика, қонунчилик тарғиботи ишларини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш, турли тўсиқ, суиистеъмолчиликлар, коррупция ҳолатларига барҳам беришга қаратилди. Шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган ишлаб чиқариш билан яширин, белгиланган тартибга зид равишда шугулланаётган шахслар аниқланиб, уларнинг ноқонуний фаолиятига барҳам бериш, уларни солиқ тўловчи сифатида қайта рўйхатдан ўтказиш, фаолиятига қонуний тус бериш, қўшимча иш ўринлари яратиш учун лозим бўлган ҳуқуқий чоралар қўрилди. Натижада тадбиркорлик фаолиятини тўхтатган ҳужжатли юритувчи субъектларнинг 78 тасига амалий ёрдам кўрсатилди, 207 та янги иш ўринлари яратилди.

Бундан ташқари, коррупция ҳолатларини аниқлаш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, эркин фаолият юритишга тўсқинлик қилиш, турли хил суиистеъмолчиликларни аниқлашга қаратилган тадбирлар давомида 14 нафар ҳокимият, 7 нафар банк ва 23 нафар бошқа идора ходимлари томонидан содир этилган қонунбузарликлар фош этилди. Тамағирлик йўли билан пора олган мансабдор шахсларга нисбатан 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Мисол учун, департаментнинг Наманган вилоят бошқармаси, Косонсой ва Янгиқўрғон туман бўлим ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Косонсой тумани, Боғишамол МФЙ раиси Қ.Ҳамроева масъул мансабдор шахс бўлгани ҳолда, 2 ёшгача бола парвариши учун нафақа тайинлаш эвазига фуқаро Н.Абдуқодировдан 150 минг сўм пулни пора тариқасида олган вақтда ушланган. Шунингдек, тадбир давомида МФЙ раисининг хонасидан қиммий ишлов берилган 150 минг сўмдан ташқари 110 минг сўм пул ва 100 АҚШ доллари ҳам ашёвий далил сифатида олинган. Мазкур ҳолат юзасидан Қ.Ҳамроевага нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва жазо муқаррарлиги таъминланди.

Валюта билан боғлиқ қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аниқланган 14 та қонунбузарликлар юзасидан 11 та жиноят, 3 та маъмурий ишлар қўзғатилди. 53 минг 151 АҚШ доллари, 72 минг 470 Россия рубли ҳамда 3 млн. миллий валютасиз ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Жумладан, департаментнинг Ўйчи туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текзор тадбирда фуқаролар У.Кирғизбоев ва Т.Нуралиев ўзаро тил бириктирган ҳолда фуқаро И.Қосимов ва Ф.Тошбоевга 10 минг 500 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда 28 млн. 875

минг сўмга сотаётган вақтда ушланди. Мазкур ҳолат юзасидан иш қўзғатилиб, улар тегишли жазога тортилдилар.

"Хуфиёна иқтисодиёт"га қарши курашиш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом рақобатни кучайтириш ва сифатсиз маҳсулотларнинг бозорларга кириб қилишининг олдини олиш бўйича мунтазам тадбирлар ўтказилиши натижасида 34 та яширин ишлаб чиқариш фаолиятига барҳам берилди. Ҳуқуқбузарлардан 94,3 млн. сўмлик маҳсулот, хомашё ва бошқа ускуналар олинди. Жумладан, департаментнинг Ўчқўрғон туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда «Қайчи» ҚФЙда яшовчи фуқаро И.Расулов ўз хонадонидан яширин цех ташкил этиб, электр тармоғига ўзбошимчилик билан уланиб олгани, пахта чигитидан хонаки усулда ёғ ишлаб чиқариш билан шугулланаётгани аниқланган. Тадбир давомида мой-жувоз, 274 кг. кунжара, 190 кг. ёғ, 989 кг. пахта чигити ва ёғ ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган. Мутахассислар томонидан ушбу ёғ маҳсулотлари истеъмолга яроқсиз, деб топилган. Ушбу ҳолат юзасидан фуқаро И.Расуловга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тегишли тартибда жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 16 мартдаги "Алкогол маҳсулотлар билан ча-

Фахриддин ҲАМДАМОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Наманган вилоят бошқармаси
бошлиғи

кана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарори ижросини таъминлаш, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ҳамда айланганининг олдини олишга қаратилган тадбирлар давомида 3 та ҳолатда 21,4 млн. сўмлик алкогольли маҳсулотлар олиб қўйилди. Шунингдек, тамаки маҳсулотларининг ноқонуний муомаласига барҳам беришга қаратилган тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Бу борада 3 та ҳуқуқбузарлик юзасидан 2 та жиноят, 1 та маъмурий иш қўзғатилиб, 25,6 млн. сўмлик тамаки маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилиб, расмийлаштирилди.

Шубҳасиз шу каби қонунга хилоф хатти-ҳаракатларга нисбатан жиддий чоралар қўрил-япти. Шунингдек, янги ҳусусий корхоналар ташкил этилишида адолат тамойилларига риоя қилиниши, тадбиркор ва фермерлар манфаатларини муҳофаза қилиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам доимо диққат марказимизда турибди.

Зеро, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан борар эканмиз, қонунийликни таъминлаш фаолиятимиз мезонига айланиши, ҳар ишда адолатни дастур билишимиз даркор. Адолат эса қонун устуворлиғидир.

Одам савдоси жинояти ҳозирги кунда дунё ҳам-жамияти олдига турган энг жидалий муаммолардан биридир. Ҳар йили минглаб эркак, аёл ва болалар турли давлатлар чегараларини босиб ўтиб, бевосита ёки бивосита қилинадиган зўрлик ёки унинг таҳдиди остида савдо ва эксплуатациянинг объекти бўлиб қолмоқдалар. Бу муаммо баъзи мамлакатларда ҳамон ечимини топмасдан қолмоқда. Ушбу иллатга қарши курашиш жидалий эътибор талаб этади.

Содда одамлар учун тузоқ

Рўзихмаҳмат ТУРСУНҚУЛОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Сурхондарё вилоят бошқармаси катта инспектори

Юртимизда бу иллатга қарши курашиш кенг қўламда олиб борилаётганига қарамаддан айрим фуқароларимиз соддаликлари ва қонунларимизни етарли даражада билмасликлари оқибатида одам савдоси қурбонига айланиб қолаётди. СВОЖДЛҚК департаментининг Шўрчи туман бўлими ходимлари томонидан фуқаролардан тушган аризалар ўрганилганда, Ўзбекистонлик Ў.Холлиев фуқароларимиз Ж.Қаршиев, И.Шеранов ва М.Очиловларнинг паспортларини олиб қўйиб, 2011 йил ноябрь ойидан 2012 йил апрелига қадар Россия Федерациясининг Санкт-Петербург вилояти, Всеволожск тумани, Колтуши қўрғонидида қурилиш объектида оғир шароитда, белгиланмаган иш вақти давомида меҳнатга жалб қилиб, ойлик иш ҳақларини ўз вақтида бермасдан келганлиги аниқланган.

Одамфуруш Ў.Холлиев Россия Федерациясига қочиб чиқиб кетаётган пайтда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди. Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Тадбиркорга амалий ёрдам

Юртимизда аҳоли фаровон ҳаёт кечиршини қўлаб ўтказиладиган ислохотлар мобайнида тадбиркорликни қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Амаллаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг таъминланиши, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, уй меҳнати, қасаначилик асосида фаолият-доирасининг кенгайтирилиши, янгидан иш бошлашнинг рағбатлантирилиши, солиқ тўловлари борасида имтиёзлар берилиши натижасида тадбиркорларнинг сафи кенгаймоқда. Ўзаро рақобат муҳити яратилиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми ортиб бормоқда.

Бошқармамиз ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимлари тадбиркорликни қўлаб-қувватлашга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида мунтазам иш олиб бориш-япти. Асосий эътибор кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг вакиллари билан бевосита учрашувлар ўтказиб, тадбиркорликни ҳимоя қилиш, солиқ ва бошқа тўловларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб боришга қаратилмоқда.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг вакиллари билан ўтказилаётган учрашув ва суҳбатларда қонунчиликда солиқ солиш соҳасида қўзда тутилган имтиёзлар, солиқ миқдорининг камайитириб борилаётгани, эркин ва қонуний иш юритиш учун яратилаётган шароитлар тушунтирилмоқда. Ўтган ярим йил мобайнида кичик бизнес ва тадбиркорликни қўлаб-қувватлашга доир ҳужжат қарорларининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган 593 та профилактик тадбирлар ўтказилди.

Давлат рўйхатидан ўтмасдан иш юритаётган шахсларни аниқлаш ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўттиришга амалий ёрдам кўрсатиш орқали фаолиятларига қонуний

тус бериш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Масалан, департаментнинг Андижон шаҳар бўлими томонидан Охунбоев номли маҳалла фуқаролар йиғинининг Амир Темур кўчасида ўтказилган текзор тадбирда фуқаро Б.Мўминов яшаб турган хонадониде булочка-нон ишлаб чиқарувчи яширин цех ташкил қилиб, жорий йилнинг май ойидан бошлаб 3 нафар ёлланма ишчиларнинг меҳнатидан фойдаланаётгани аниқланиб, 105 минг сўмлик тайёр маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олинган. Ишбилармонга фаолиятини қонуний асосда давом эттириши учун амалий ёрдам кўрсатилди. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг рўйхатдан ўтказиш инспекциясида "Бобур ширинликлари" номли оилавий корхона рўйхатдан ўтказилди. Б.Мўминов давлат санитария-эпидемиология маркази томонидан тегишли тартибда сертификат олиб, 2 нафар ишчиси билан қонуний фаолият кўрсата бошлади.

Андижон тумани "Найман" қишлоқ фуқаролар йиғини, "Қорақалпоқ" маҳалласида яшовчи Н.Зариков ҳам норасмий тарзда ёғочни қайта ишлаш цехи ташкил этган экан. Унга ҳам "Қобилжон Носир Ҳамкор" МЧЖни ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш бора-

Мухаммаджон РЎЗМатов,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Андижон вилоят бошқармаси
бошлиғи вазифасини бажарувчи


сида амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада 3 та янги иш ўрни яратилди.

Ҳокимият ва бошқарув органлари, шунингдек, бошқа идораларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятларига асоссиз аралашш, тўсқинлик қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини поймол этиш ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан қатъий чоралар қўлланмоқда.

Ҳусусий корхонага қарашли бижонни сотиб олаётган тадбиркор ўзаро қелишувга биноан сотувчининг банкдан олган кредити қарзларини қоплаш учун тўлаган 30 млн. сўм нақд пулларининг 16,5 млн. сўмини қарздорнинг кредитини қоплашга қаратмасдан ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган "Ўзасаноқ-қурилишбанк" Андижон минтақавий филиали бўлим бошлиғи Д.Жалилов, сектор мудири М.Хожиқурбоновларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тегишли тартибда жазога тортилди.

Бошқармамиз томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ноқонуний, норасмий иш юритаётган тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиб, қонуний фаолият юритишларини йўлга қўйиш орқали ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ҳажми ортиб, янги иш ўринлари яратилаяпти ҳамда солиқ солиш базаси ҳам кенгаймоқда.

Қонун устуворлигини таъминлаш — масъулиятли фаолият



Мамлакатимизда бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ислохотлар жадал равишда амалга ошириб келинмоқда. Мазкур ислохотлар тадбиркорлик субъектларига фаолиятларини амалга оширишлари учун ҳар томонлама қулай ва соғлом рақобат муҳитини яратиш, пировард натижада иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил қилиш, баналик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишга қаратилган.

Давлат сиёсати даражасига кўтарилган қулай бизнес муҳитини яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хомашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш бу соҳада қабул қилинган қонун ва қонуности нормаларини амалиётга жорий этиш зиммасига юклатилган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг, аниқроғи, мансабдор ва масъул шахсларнинг зиммасидаги масъулият эканлигини чуқур аңгаламоқ лозим.

Шу нуктаи назардан келиб чиқиб, Бош прокуратура, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва Давлат кадастри Давлат қўмитаси, Марказий банк ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси билан ҳамкорликда "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш ҳақида" Қўшма кўрсатма ишлаб чиқилиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг

эркинликларини чекловчи ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва улар фаолиятига ноқонуний аралашишларга йўл қўймаслик мустақадди органларнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Ҳўжалик судларида ишлар қўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида"ги 2004 йил 11 майдаги 23-сонли буйруғининг 2-банди билан барча прокурорлар ва прокуратура органларининг тегишли тармоқларига ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадидида, айниқса, хусусий бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер ҳўжаликларининг манфаатларини қўлаб даъво аризалари киритиш амалиётини янада фаоллаштириш, ҳўжалик судларида ишлар қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш, ноқонуний суд қарорларига ўз вақтида протест келтириш борасида қонунда белгиланган ваколатлардан тўла ва самарали фойдаланиш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси органларининг ҳўжалик судларида ишлар қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш борасида "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун, Бош прокурорнинг буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда хайъат қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, 2013 йилнинг 6 ойи давомида муайян ишлар амалга оширилди. Асосий эътибор тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи шахслар ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини, шунингдек, давлат манфаатларини қўлаб судларга даъво аризалари киритиш, муҳим тоифадаги низоларнинг суд-

да қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш, ҳўжалик судларининг ноқонуний қарорлари ва бошқа ҳўжатларига нисбатан протестлар келтириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари қонуний ҳал этилишига қаратилди. Шунингдек, ўтган даврда бўлим фаолияти асосан ишни таҳлиллар асосида режалаштириш ва уларни ўз вақтида сифатли бажариш, ҳўжалик судларида ишлар қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш, суд қарорларининг қонунийлигини касасация мuddатларида ва назорат тартибидида текшириш, қўйи прокурорларнинг соҳавий ҳўжалик судларининг апелляция инстанциясида жами 1 355 та ишлар қўрилган бўлиб, апелляция инстанцияси томонидан бекор қилинган ва ўзгартирилган 514 та суд қарорларининг 493 таси ёки 95,9 фоизи прокурорлар протестига асосан қонунга мувофиқлаштирилган. Масалан, Чортоқ туманида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор "Шабанов Кулмурот Тилабович"нинг (номи ўзгартирилган) ўзи II гуруҳ, икки нафар фарзанди эса I гуруҳ ногиронлари бўлса-да, Наманган вилоят ҳўжалик судининг 2012 йил 25 июлдаги ҳал қилув қарори билан Чортоқ туман давлат солиқ инспекциясининг даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилиб, якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулкидан 1,6 млн. сўм боқиманда қарзи ундирилган. Яъни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 311-моддаси 3-қисми талабида зид равишда, ногиронлиги учун белгиланган имтиёзлар қўлланилмасдан, мол-мулкидан 680 минг сўм ортиқча солиқ қарзи ундирилган. Ноқонуний суд қарорларига нисбатан Наманган вилоят прокуратураси томонидан касасация протести келтирилиб, тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

судларига 72,8 млрд. сўмлик жами 4006 та даъво аризалари киритилган бўлиб, шундан 54,3 млрд. сўмлик 3683 таси судлар томонидан қаноатлантирилган, 1 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 117,6 млн. сўмлик 20 та прокурор даъволари қарздорлик қопланганлиги сабабли рад этилган бўлиб, қолган даъволарнинг қўрилиши давом этмоқда. Судлар томонидан қаноатлантирилган 54,3 млрд. сўмлик жами 3683 та прокурор даъво аризаларидан 29,9 млрд. сўмлик зарарлар ҳақиқатда ундирилиши таъминланган.

Судда иштирок этувчи прокурорлар тарафларнинг тортишув принципига амал қилган ҳолда далил-исботларни тўплаш, текшириш ва уларга баҳо беришда фаол қатнашиб, иш моҳияти бўйича асосли фикр билдириб, унинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона қўрилишига, қонуний ва адолатли қарор қабул қилинишига қўмаклашдилар. Хусусан, биринчи инстанция судларида қўрилиб, қарор чиқарилган жами 81 200 та ишларнинг 63 558 тасида, муҳим тоифадаги 13 097 та ишларнинг барчасида прокурор иштироки таъминланди. Шунингдек, апелляция, касасация ҳамда назорат инстанцияларда ишлар қўрилишида прокурор иштироки таъминланган. Ҳўжалик судларининг ноқонуний ва асосиз қарорларига нисбатан апелляция, касасация ва назорат мuddатларида протестлар келтиришга алоҳида аҳамият берилди. Хусусан, жорий йилнинг 6 ойида республика бўйича ҳўжалик судларининг апелляция инстанциясида жами 1 355 та ишлар қўрилган бўлиб, апелляция инстанцияси томонидан бекор қилинган ва ўзгартирилган 514 та суд қарорларининг 493 таси ёки 95,9 фоизи прокурорлар протестига асосан қонунга мувофиқлаштирилган. Масалан, Чортоқ туманида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркор "Шабанов Кулмурот Тилабович"нинг (номи ўзгартирилган) ўзи II гуруҳ, икки нафар фарзанди эса I гуруҳ ногиронлари бўлса-да, Наманган вилоят ҳўжалик судининг 2012 йил 25 июлдаги ҳал қилув қарори билан Чортоқ туман давлат солиқ инспекциясининг даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилиб, якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулкидан 1,6 млн. сўм боқиманда қарзи ундирилган. Яъни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 311-моддаси 3-қисми талабида зид равишда, ногиронлиги учун белгиланган имтиёзлар қўлланилмасдан, мол-мулкидан 680 минг сўм ортиқча солиқ қарзи ундирилган. Ноқонуний суд қарорларига нисбатан Наманган вилоят прокуратураси томонидан касасация протести келтирилиб, тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Адҳамжон МАМАТАЛИЕВ,
Бош прокуратура бўлим бошлиғи
ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатида 45 та иш назорат тартибидида қўриб чиқилган бўлиб, шундан 36 таси Бош прокуратура протестларига асосан қонунга мувофиқлаштирилди. Суд қарорларига назорат тартибидида протест келтириш самарадорлиги 80 фоизни ташкил этди. Масалан, "Сувоқава" ИЧДК электр тармоғидан ҳисобга олиш прибори ўрнатмасдан, ўзбошимчилик билан фойдаланилганлиги оқибатида "Самарқанд электр тармоқлари" ОАЖга етказилган зарарнинг 105 млн. сўмидан қонунга хилоф равишда воз кечиш ҳақида имзоланган келишув битими Самарқанд вилоят ҳўжалик судининг 2011 йил 10 июндаги ажрими билан тасдиқланган. Мазкур ноқонуний суд ажримига нисбатан Бош прокуратуранинг аралашуви билан Олий ҳўжалик суди Раёсатида назорат тартибидида протест келтирилди. Протест Раёсатда 2013 йил 30 майда қаноатлантирилган.

Ҳўжалик судларида ишлар қўрилишида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига ҳўжалик суди ва прокуратура органлари томонидан тегишли муносабат билдирилмоқда. Жумладан, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари оқибатида жамият ва давлат манфаатларига зарар етказилганлиги қайд этилган ҳолларда уларнинг тегишли жавобгарлик масаласи ҳал этилмоқда.

Олий ҳўжалик суди касасация инстанцияси суди томонидан жорий йилнинг 6 ойи давомида Бош прокуратурага жами 12 та хусусий ажримлар (хабарномалар) юборилган. Натижасига кўра, 6 та ҳолатда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган бўлса, 3 та ҳолатда жиноят аломатлари аниқланмаганлиги сабабли жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарорлар қабул қилинган. 1 та хусусий ажрим бўйича Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 175-моддаси 3-қисмига асосан корхона бош ҳисобчиси маъмурий жавобгарликка тортилган. Қолган 2 та хусусий ажрим бўйича терговолди текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, мамлакатимизда бозор муносабатлари шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг конституцийи кафолатлари амалда таъминланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Жамиятда иқтисодий тараққиётнинг асосий таянчи бўлган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг устуворлиги улар эришаётган натижаларда тўла намоён бўлмоқда.

Баркамол авлод — юрт таянчи



/Давоми. Бошланиш 3-бетда/

Халқимизда "Беш қўл баробар эмас", деган ибратли нақл бор. Баъзи оилаларда ота-оналарнинг масъулиятсизлиги, жамоатчиликнинг эътиборсизлиги туфайли умумтаълим мактабларидаги дарс жараёнлари қатнашмаётган ёки мактабдан кейинги таълимда ўқишни давом эттирмаётган воёга етмаганларнинг учраётганлиги сир эмас. Жорий йилнинг февраль ойида Сергели туман прокуратураси томонидан масалага дахлдор бошқа идора ва ташкилотлар билан биргаликда "Сергели ихтисослашган бозори" МЧЖ ҳудудиде ўтказилган назорат тадбирида 20 нафарга яқин воёга етмаганларнинг назоратсиз қолиб, автомобиллари ювиш ёки техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб юрганилиги аниқланган. Уларнинг таълим-тарбиясига жавобгар бўлган ота-оналар ва таълим муассасаси мутасаддиларига нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Ота-она фарзанди тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Улар ўз болаларининг соғлиги, жисмоний, рухий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ҳамхўрлик қилишлари, қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишларини таъминлашлари

шарт. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан воёга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик уларни маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлиши қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни ёшларнинг таълим-тарбиясига янада жиддийроқ эътибор қаратишда муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида амалда ўзининг аҳамиятини янада яққолроқ намойён этди. Мазкур қонунда воёга етмаганларнинг таълим-тарбияси билан бевосита шуғулланувчи идора ва муассасалар, органлар, шунингдек, улар ишини мувофиқлаштирувчи, иш фаолияти доимий бўлган воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг аниқ вазифалари белгиланди. Шунингдек, воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштироки масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ушбу қонунда ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар воё-

га етмаганларнинг ресторанлар, кафе-лар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда тунги вақтда улардан бирининг кузатувисиз бўлишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш лозимлиги ҳақидаги норма белгиланган. Туман прокуратураси бошқа тегишли идора ва муассасалар билан ҳамкорликда туман ҳудудиде жойлашган интернет-кафе-лар, барлар, клублар ва бошқа турли маиший кўнгилочар, дам олиш масканларида мунтазам тунги рейд тадбирларини ўтказиб келаяпти. Тезкор тадбирларда айрим воёга етмаганлар ота-оналарининг назоратсизлиги ҳамда маиший дам олиш масканларида иш юритаётган шахсларнинг бепарволиги туфайли бемаҳалгача қолиб кетаётган ҳолатлар афсуски учраб турибди. Масалан, туманда фаолият кўрсатаётган "Gals telekom" МЧЖ, "Rekos light" хусусий корхонаси, ЯТТ "Мирзаев Шерзод Равшанович" га қарашли интернет-кафе-ларда тунги 22:00дан сўнг ҳам воёга етмаган шахсларнинг назоратсиз ташлаб қўйилган ҳолатлари аниқланди. Бундай қонунбузарликлар туман ҳудудиде фаолият юритаётган кафе ва ресторанларда ҳам аниқланган. Рейд тадбирлари мобайнида аниқланган шунга ўхшаш бир нечта ҳуқуқбузарликлар юзасидан воёга етмаган фарзандини назоратсиз қолдирган ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахслар ҳамда кўнгилочар маскан масъулларига нисбатан прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Ушбу профилактика тадбирлари воёга етмаганлар ишлари бўйича Сергели туман комиссияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Воёга етмаганлар қатлами ўртасида самарали ихтимойий ҳимоя тизими ҳамда доимий профилактика тадбирларини мунтазам амалга ошириш механизми жорий этилганлиги боис, туманда 2013 йилнинг 6 ойи мобайнида воёга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ўтган йилга нисбатан 14 фоизга камайган.

Мактаблар, коллежлар ҳамда академик лицейларда таълим-тарбия бепул жорий этилган бўлиб, бундай имконият ва қўлай шaroитлар дунёнинг ҳамма давлатларида ҳам mavjud эмас.

Аксариёт хориж давлатлари фуқаролари каттагина тўловлар эвазига бундай муассасаларда ўз фарзандларини ўқитишмоқда. "Ёшликда ўқимабман, буни менга ҳеч ким тушунтирмаган-да", деб афсус чекаётган ёши ўтган кишиларни кўп учратганимиз. Фарзандининг таълим-тарбиясига бепарқлик қилаётган ота-оналарни кўрганимизда, "Сизнинг ҳам зурриётингиз эртага мана шундай афсус чекаётганларнинг бирига айланиб қолмасдан, уларга тўғри йўлни кўрсатинг", дегинг келадди. Атрофимизда рўй бераётган воқеаларга тўғри учратганимиз баҳо бермасдан, кечаётган жараёнларга ўзимизнинг дахлдор эканлигимизни ҳис қилмай, "Бу ҳуқуқбузарлик ва муаммоларга менинг дахлим йўқ, улар ҳақида ўйлаш менинг ишим эмас, бошқалар бош қотирсин", деган тушунча билан яшашнинг, лоқайдликнинг вақти аллақачон ўтган. Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатини доимо ёдда тутишимиз зарур. Бу ишга дахлдор бўлган барча идора ва муассасалар оилалар билан ҳамжиҳатлашса, бундай муаммо ва ҳуқуқбузарликлар юзгага келмайди. Қонуналар орқали бундай ҳуқуқбузарликлар сўзсиз бартараф этилавериши табиий. Аммо бу борада одамларнинг ўзида соғлом фикрни шакллантириш, фарзандининг келажаги, тақдирига бепарқликни йўқотиш жуда ҳам муҳим.

Давлатимиз раҳбари бу масалага "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли асариде алоҳида тўхталиб, "Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайд — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси. Бу ҳақда фикр юритганда, мен Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир" деган чўқур маъноли сўзларини эслайман. Буюк маърифатпарвар бобоимизнинг бу сўзлари ўтган аср бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балким ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади", дея таъкидлагани беҳиз эмас.

Онгли, виждони уйғоқ инсон борки, ўз фарзандининг тақдирини, келажагини ҳақида қайғуради. Унинг ҳаётда қўқилишини асло истамайди. Зеро, фарзанд таълим-тарбияси ҳаёт-мамонт масаласидир.

Мустақил ҳаёт масъулияти

Эртамиз эгалари бўлиш ёш авлоднинг таълим-тарбияси, касб-хўнар эгаллаши ва иш билан таъминланиши давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилганлиги беҳиз эмас. Давлатимиз раҳбарининг бунга алоҳида эътибор қаратишлари замирида баркамол авлод орзуси мужассам эканлигини сезиш мумкин.

Мамлакатимизда таълим тизимини изчиллик билан ислоҳ қилиш ва бу соҳадаги давлат сиёсатини мустахкамлаш борасида қабул қилинган "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги ва "Таълим тўғрисида"ги Қонуналарнинг мазмун-моҳиятида ҳам ана шу эзгу мақсад назарда тутилган. Юртимизда таълимнинг узлуқсизлиги ва унинг изчил давом этиши, бунда умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хўнар таълимининг мажбурийлиги, 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилган. Агар давр ва келажақ нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ёшларнинг ҳар томонлама етук бўлиши халқимизнинг энг катта бойлиги ҳамда ютуғи сифатида баҳолашга арзийди.

Шундай мақсад олдимизга қўйилганки, ёшлар ушбу жара-

ёнда бирор касб-хўнар эгаси бўлиб, малакали мутахассис сифатида мустақил ҳаётга қадам қўймоғи шарт. Аммо бунга ҳамма ҳам бирдек тушуниб етган десак, масалага бир томонлама ёндашган бўламиз.

Баъзи бир юртдошларимизда "Қизларимизни эртароқ эгаларига топширсак" ёки "Турмушга бериб қўтулганимиз маъқул", деган тушунчалар mavjud. Бироқ қизларни барвақт турмушга бериш уларнинг келажагини тўлақонли ҳал этиш дегани эмас. Аввало, қизлар турмушга чиқадиган олдин бирор касб-хўнар эгаси бўлмоғи, оилавий ҳаётга ҳар томонлама тайёр бўлиши керак. Шундагина улар мустақил ҳаётда ўз ўринларини топадилар. Оила фаровонлигини таъминлашда, фарзандлар тарбиясида касб-хўнарли, билимли ва малакали мутахассис аёлнинг ўрни беҳис.

Шу боисдан бугунги кунда қонунчилигимизга бир қатор ўзгаришлар киритилганки, буларни ҳар бир ота-она тушуниб етмоғи даркор.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини 47-3-модда "Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш" деб номланган янги модда билан тўлдирилди. Мазкур моддада никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш ҳамда никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини ҳам 125-1-модда "Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш" деб номланган янги модда билан тўлдирилди.

Мазкур моддада никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатла-

рига киришиш, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамок; ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамок; никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамок билан жазоланиши белгиланди.

Алишер ТЕСАЕВ,
Навий вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

Ёшларни, кўп ҳолларда қизларни касб-хўнар эгаллашдек таълим жараёнидан қалғитиб, никоҳ ёшига етмасдан эрта, шаръий никоҳ маросимларини ўтказиш орқали эрга бериб юбориш сохта никоҳ ҳисобланади. Бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга барчамиз масъулмиз. Амалдаги кодексларимизга киритилган ўзгаришлар ҳам юқорида қайд этиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бунга ҳар бир ота-она ва замондошларимиз яхши тушуноғи керак. Айни пайтда бу борада жамоатчилик назоратини қўлайитиш ҳам бугунги кўннинг талабидир. Ахир ҳар бир ёш тўлақонли ҳаётга эришиши лозим. Бунинг учун эса ҳар бир фуқаро ўн икки йиллик мажбурий таълимнинг мазмун ва моҳиятини тўла тушуниб, англаб олиши шарт. Зеро, фарзандларимиз — ёшлар эртамиз эгалари эканлигини унутмайлик!

Оилада маънавий тарбия

УНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОТА-ОНАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Маълумки, ўзбек оиласининг ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос миллий хусусиятлари мавжуд бўлиб, ота-боболардан мерос қолган қадриятлар, урф-одатлар замирида таркиб топган оиладаги маънавий тарбиянинг асосига суянилади. Юртбошимиз таъбири билан изоҳ берадиган бўлсак: "Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирларига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас... Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшнларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбидининг гавҳаридир".

Оилада болаларнинг руҳан ва жисмонан соғлом ўсишига оила муҳитининг таъсири катта. Чунки оилавий муҳит қандай бўлса, бола ҳудди шу муҳит таъсирида ўлғайди. Оила муҳити болага таъсир кўрсатиш билан бирга, уни ҳаётга мослайди. Жамиятда эса болани руҳан ва жисмонан соғлом қилиб вояга етказиш ота-онанинг нафақат шахсий иши, балки, ижтимоий бурчи ҳамдир. Шундай экан, ҳар бир ота-онанинг бурчи ва вазифасига масъулият билан ёндашиб, оилада ҳар томонлама соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, унинг фаровонлигига эришиш билан бирга билим, ақл-заковатли, руҳан ва маънавий баркамол инсонни вояга етказиш, шунингдек, оила аъзолари, касб-кор, шажарасининг давомийлигини таъминлаш, фарзанднинг бўш вақтини унумли ўтказишга эришиш, гийҳвандлик, маъийш нопоклик, ахлоқсизлик, носоғлом эътиқод, ақидапарастлик каби иллатларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва бошқалар кирради.

Бизнинг менталитетимизда фарзандлар ота-оналарига ўшагача ҳаракат қиладилар. Ота-оналар эса ўзлари билиб-

билмасдан характер ва хусусиятларини, орзу-ҳавасларини фарзандларига синдириб борадилар. Айнан шундай характер хусусиятларидан бири бўлган меҳр-мурувватлилик ота-онадан фарзандларига ўтади. Айниқса, ўсмирлик давридаги болаларга ота-онанинг меҳри, доимий назорати ва дўстона маслаҳати катта аҳамиятга эга. Аммо афсуски, кўпгина ота-оналар фарзандини "бебош" қилиб қўймаслик учун бу ажойиб инсоний туйғудан чўчидилар. Улар боланинг танитиқ, шахсиятпараст бўлиб қолишидан ташвишланадилар. Лекин жуда кўп салбий хусусиятлар болада ота-онанинг тўғри мурувватидан, эркалашидан, эътиборидан маҳрум бўлган шароитларда вужудга келади. Шунинг учун ҳам бола ўзини севишларига, ўзига ғамхўрлик кўрсатилишига ишонч ҳосил қилиши ота-онанинг муҳим вазифасидир.

Ҳар қандай фарзанд учун, аввало, ота-онанинг меҳрибончилиги, эътибори зарур. Аксарият жиноятчи бўлиб қолган болалар ота-оналарининг ва яқин қариндошларининг меҳрибон эмаслигидан азият чекадилар. Бундан ташқари, улар бекорчилик оқибатида, ичкиликбозлик, ўғрилиқ, гийҳ-

вандлик, жиноятчилик қўчаларига кириб кетиши ёки турли жиноий ва диний экстремистик гуруҳларнинг таъсирига тушиб қолиши мумкин. Оилада ўсмир нима билан доимий банд ва қандай ишлар билан шуғулланишини дастлаб ака-сингиллар ёхуд она-укалар, кейинчалик она сезиб қолади. Лекин оила тарбияси каби катта масъулият биринчи навбатда ота ва она зиммасига тушади.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида уқтириш кераки, бола тарбиясида асосий таъсирчан куч-қудрат, бу — Онадир. Президентиимиз айтганларидек: "Оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб, унга файзу барокат киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўтабар оналардир". Шундай экан, оила муҳити, қолаверса, болаларнинг келажаги, уларнинг руҳий дунёси ижтимоий тасаввурларининг ижобий ва бой бўлиши кўп жihatдан оналарга боғлиқ. Юқоридаги фикрларимизнинг исботи сифатида айрим оилавий келишмовчиликларни келтириб чиқарувчи ота-она билан ўсмир болалар муносабатларидаги миллий хусусиятларни санаб ўтиш мумкин.

Маълумки, ўзбек оиласи болажон бўлиб, биз шунинг учун фақат ўсмир ёшдаги болаларнинг ота ва оналарига муносабатини конкрет вазиятлар билан боғлаш ўринли, деб қўйидаги мисолларни ҳавола қиламиз. Бирор ишни бошлаш ёки бирор ерга боришда ҳам ота-онанинг фикри билан келишиш, улардан руҳсат сўраш барча болаларга хос, қизларнинг деярли аксарияти ҳам отадан, ҳам онадан сўрашади. Шаҳардаги ўғил болаларга онанинг фикри, розилиги му-

ҳимроқ. Шуниси характерлики, барча тоифада ҳам отадан кўра онадан кўпроқ изн (розилик) сўраш ўзига хослиги маълум бўлди. Демак, ота-она билан болалар ўртасидаги муносабатларда онанинг етакчи роли болалар фикрида яққолроқ намоён бўладики, бу онанинг оилавий юмушларни бошқариши, уйда кўпроқ бўлиши билан боғлиқдир. Оилавий келишмовчиликлар бирор-бир муаммо асосида келиб чиқшини инобатга олсак, айрим оилавий келишмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ота-она билан бола муносабатидаги миллий хусусиятлардан яна бири намоён бўлади. Нисбатан олиб қаралганда, оилавий муаммолар юзасидан ота-оналар ўз болалар билан деярли фикрлашмайдилар, баъзан фикр сўрайдиганлар қишлоқ оилаларига хосдир. Жинсга оид оладиган бўлсак, ота-оналарнинг болаларидан фикр сўраши ўғил болаларга нисбатан қиз болаларда кўпроқни ташкил этади. Уларга нисбатан қизларнинг мавқелари юқорида. Бу, албатта, бир томондан, ўсмирларга хос максимализм бўлиб, қизларнинг оналари билан эмоционал жиҳатдан яқинлигини кўрсатади. Шунинг учун айнан қизлар оилада бирор низо чиқиб қолса, унга аралашиб, уни тўхтата олишларига ишонадилар. Ўсмирлар билан муомалада ҳар бир ота-она, катталар, аввало, болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиб, илҳом борица улар билан юмшоқ ва жиддий муносабатда бўлишлари, айрим масалаларда уларнинг ҳам фикрларини сўрашлари, гапларига эътибор билан қулоқ солишлари керак. Хуллас, оила маънавияти тизимида ўзаро муносабатларнинг тартиб-интизом, ота-оналик бур-

Баҳром МАХСИТОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим бошлиғи

чининг англиниш даражасининг аҳамияти нечоғли катталигини исботлайди.

Оилавий ўзаро муносабатларда баъзан катталарнинг айби билан содир бўладиган низолар, табиийки, бола томонидан идрок қилинади, англанади, маълум бир баҳога (ижобий ва салбий) эга бўлади. Ушбу баҳолар реал вазиятларда салбий хулқ шаклида намоён бўлади. Натижада боланинг оилага, унинг қадриятларига, истиқболда оила қуришга бўладиган интилишларида акс этади. Ана шу барча қўришларни ҳисобга олган ҳолда оилада ота-онанинг фарзандлар маънавий тарбиясидаги ўрнини баҳолашда ҳолислик билан ёндашиш зарур бўлади.

Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этар эканмиз, баркамол инсонни тарбиялаш, меҳр-мурувват туйғусига бой шахсни вояга етказиш энг устувор вазифалардан бири бўлиб қолади. Бу эса жамиятимизда меҳр-мурувват туйғусини ривожлантиришни тақозо этади. Чунки, меҳр-мурувватни ўзида шакллантира олган ҳар бир инсон руҳан ва жисмонан соғлом бўлади. Шу жиҳатдан олганда, барча фарзандларимиз қалбида меҳр-мурувват ва раҳмдиллик туйғуларини шакллантириш ва камол топтириш принципиал аҳамиятга эга бўлиб, бу вазифанинг изчил амалга оширилиши ота-она зиммасидадир. Зеро, ота-онанинг бурчларидан энг олийси ана шу маънавий тарбия орқали, қадриятлар орқали, Ватанга содиқ фарзандларни тарбиялаш ва уларда Ватанига, ўз халқига нисбатан фахрланиш туйғусини уйғотишдир.

Ёлғони ростдек қирибгар

Ҳамма ҳам фаровон, яхши яшагача ҳаракат қилади. Фарқан томони, бу ҳаракатлар барчада бир хил эмас. Кимлар ҳалолат меҳнати, пешона тери билан турмушини обод қилиш, яна кимлар соғла одамларнинг ишонувчанлигидан фойдаланиб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган пуллар ҳисоби билан кайфисафо қилиб яшаш пайида бўлади. Ҳалолат инсонларнинг тоғганида барака, қўнғилда хотиржамлик бўлади. Иккинчи тоифадаги одамлар эса доимо ҳавотирда, жинояти фой бўлишдан чўчиб ташашади. Чунки, ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди. Бунинг Озодбек Охунов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жуда яхши билади. Бироқ...

О.Охунов муқаддам 2006 йилда фирибгарлик жиноятини содир қилгани учун суд биносига "таклифнома" олган, инсонпарварлик ва кечиримлилик намунаси бўлган амнистия акти туйфайли унга ҳаётда тўғри йўлни танаб олиши учун имконият берилган. Аммо у бундай бағрикенгликдан ўзига тўғри хулоса чиқармади. Орадан икки йил ўтиб, у яна бир жиноятга қўл урди ва бу сафар унга 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди. Бироқ бу гал ҳам Озодбек Охунов тўғри хулоса чиқара олмади. Аксинча, 3 йил ўтар-ўтмас яна эски "касали" қўзғаб қолди.

Ўзини савдогардай тутган, аслида фирибгарликни режа қилган Озодбек 2011 йилнинг август ойида Ф.Жумаевнинг уйига кириб қолди. Харидор ва сотувчи 1 тонна-ю 70 килограмм қурилган булғор қалампирини учун савдо-

лашини бошлаб юборишди. Томонлар булғор қалампирининг ҳар килограммининг 4 минг 500 сўм этиб баҳолашди. Одамларнинг ишончига кириб, ёлғонни судвай ичадиган О.Охунов пулини бир ой ичида келтириб беришга ваъда қилиб, 4 млн. 500 минг сўмлик махсуслотни насияга олиб кетди. Бироқ айтилган муддатда пулларни қайтармаган, Фуқаро ака унинг дарвозасини бир неча бор тақиллати келди. Озодбек эса унга 200 минг сўм ва 50 АҚШ доллари, қолганига қуруқ ваъда беришдан нарига ўтмади.

Озодбекнинг ёлғонига чув тушган Мамарасул Мадиев кам эмас, кўп эмас — нақд 42 млн. сўмга қуйиб қолди. 2011 йилнинг октябрь ойида бир таниши орқали Озодбек билан улфат бўлиб қолган Мамарасул фирибгарнинг гапларига лаққа тушиб, унинг қўлига

Анваржон МҲМИНОВ,
Бағдод туман прокурори ёрдамчиси

52 млн. 800 минг сўмни тутқазиб юборди. Пулни чўнтакка урган О.Охунов қарзининг бир қисмини, яъни 10 млн. 800 минг сўмини қайтариб, "қолганини эрта-индин бераман", деган қуруқ ваъдалар билан М.Мадиевни алдаб келган.

Фирибгарнинг тузоғига илганлардан яна бири Абдуҷалил Қаюмов бўлади. Абдуҷалил қарз сўраб келган бир неча йиллик танишининг илтимосини бажара олмаган бўлса-да, қурилган меваларни пойтахтга олиб бориб сотиб келиш учун автоуловини бериб туришини сўраганида "йўқ" дея олмади. Аммо у мана шу кўнгилчанглиги ортидан анча сарсон бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. "Нексия"ни ҳайдаб кетган Озодбек шу буйи қорасини кўрсатмади. Маши-

насини сўраб борган Абдуҷалил танишининг гапини эшитиб, оғзи очилиб қолди. Маълум бўлишча, Озодбек машинани наманганлик Ф.Хотамовнинг уйида гаровга қолдириб, Фахриддин ва унинг қўшнисидан 5 минг 500 АҚШ долларлик қуруқ меваларни олиб кетган экан.

Ҳеч бир жиноятчининг қонун ҳукмидан қочиб қутула олмалиги ойдин ҳақиқат. Бир неча одамларнинг ишончига кириб, уларни чув тушириб кетган фирибгар ҳам ўз қилмишлари учун жавоб берди.

Жиноят ишлари бўйича Бағдод туман суди томонидан Озодбек Охуновга 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.



Ичкилик балоси

Ёмонга ёнашишнинг оқибати кулфат билан тугагани бу қўхна ҳаёт кўп бор исботлаб қўйибди. Барча ёмонликлар дояси бўлган ичкилик йўлиққан борки, умрининг поёнида афсус-надоматдан бошқа нарса кўрмаган. Эҳтимол, Б.Қобилов ҳам тузуккина онласининг бошига ўзи сарбон бўлиб, оталик мажбуриятларини тўғри англаганила ва адо этганила бутун ҳаётидан норози бўлиб эмас, аксинча, масрур ва мағрур яшарди. Ҳар ким ўз тақдирини ўзи яратади. Б.Қобиловнинг қисматла бунга яна бир бор англаш мумкин.

Турмуш ўртоғи вояга етаётган ўғилларини уйли-жойли қилиш ниятида Россияга ишлаш учун кетганида Б.Қобилов Оксанага илакиши-ю, ҳаёти буткул ўзгарди. Когон шахридаги деҳқон бозори яқинида жойлашган ошхоналардан бирида Қобилов ошпаз, Оксана эса ишчи эди. Ошхона доим хўрандалар билан гавжум бўлгани учун баъзан кечгача қолишга тўғри келар, шу боис ошхонадаги бир хона ишчиларнинг дам олиши учун ажратилганди. Қобилов уйига бормай қўйди. Хотини Россиядан қайтгач, уйдан умуман оёғини узди-да, Оксана билан ўша хонада никоҳсиз яшай бошлади. Оксана вояга етган қизи, отаси, борар

жойи бўлгани билан ичкиликка ружу қўйгани учун шу ҳаёт тарзини маъқул кўрарди. Аёлнинг юмушларини унутиб, кўппа-кундузи ичиб олиб, хўрандалар олдида ҳам ножўя гаплар айтадиган одати бор эди. Қобиловнинг бундан ҳақли чиқар, шу сабаб кунда уруш-жанжалдан боши чиқмасди. Оксана қанча калтак емасин, фойдаси йўқ, унинг "эти қотганди".

Ўша кунни ҳам тушликда мижозлар анчагина эди. Бундай пайтларда Қобилов баъзан ўғилларини ёрдамга чақирарди. Қўли-қўлига тегмаётган ошпаз орада дам олиш хонасига кириб, "завжа"си билан коньякдан "уриб" чиқарди. Аёл бирпасда кайфи ошиб, маст бўлди-қолди.

Ҳасан ШИРИНОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси
бўлим прокурори

Кўзига кўринганни сўқар, оёқда туролмасди. Қобилов ҳам ичкиликдан "айний" бошлади.

Орада бироз мизгиган аёл ташқарига йўл олди. Аммо ҳадеганда қайтмади, у кўчага чиқиб кетган эди. Бунга эшитган Қобиловнинг газаби қайнаб бошлади. Оксана излаб, катта кўча бошидан топди-да, тарсаки туширди. Аёл йўқлиди. Қобилов уни турғизишга уринса-да, лекин аёл қаршилиқ қилди. Бундан Қобиловнинг ҳақли чиқди, уни ўласи қилиб тепкилади. Кейин эса таниш йигитни чақириб, унинг кўмағида аёлни ошхонага олиб борди. Бироқ уни шифохонага олиб бормади, бўлмаслигини англаб, ўғиллари ёрдамида "тез ёрдам" чақирди. Аммо Оксана йўлдаёқ жон берди.

Қотиллик жинояти учун Б.Қобилов суд ҳукми билан 17 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Июль ойининг жазирасида кўчалардан бири. Вақт пешиндан оққан, ҳам иш кўни, ҳам иссиқдан бўлса керак, кўчада йўловчилар сийрак. Миробод тумани Сарикўл кўчасидаги чорраҳада маст эканлиги чайқалиб туришдан шундоққина кўриниб турган бир кимса ўтган-кетган машиналарга қўл кўтарали. Аксарият машиналар унинг ёнида тўхтади, бироқ мастлигини кўриб, йўлда давом этишди...

Олди-ю, қочолмади

Рустам АБДУЛХАЙРОВ,
Миробод туман прокуратураси қатъи ҳокими
Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq»

Шу пайт унинг олдида йўловчи аёл ўтиб қолди. Кимсанинг унга кўзи тушди-ю, ўзини тутиб аёлни гапга солмоқчи бўлди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ аёл бамаъни бўлиб кўринган йигитга ўзини Мухлиса деб таништирди.

Маҳкам у билан суҳбатлашар экан, нигоҳларини жувоннинг бўйнидаги тилла занжирдан узолмай қолди. Бу орада аёл ҳам унинг мастлигини сезди-ю, тезроқ хайрлашиб пайгага тушади. Аёлнинг безовта бўлаётганини пайкаган Маҳкам вақтни бой бермасдан, кўнглида уйғонган шум ниятини амалга оширишга қарор қилди. Шу боис, эпилептик билан унинг бўйнидаги занжирни қолиб олди-да, қочишга тушди. Аммо узоққа кетолмади. Воқеа жойидан тахминан 20-25 метр масофага узоқлашганида, рўпарасидан ИПХ ходимлари чиқиб қолишди. Суриштирув ва текширув ишлари мобайнида "чопқир"нинг қилмиши фожия этилди.

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди томонидан Маҳкам Саидмуродов(исм-фамилиялар ўзгаририлган)га нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айб эълон қилиниб, унга уч йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ракурс

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш, улар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, жумладан, бир қатор имтиёз ва қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг пировардлаи юқори сифатли, рақобатбардор, экспортбон маҳсулотлар ҳажми ошиб, бу маҳсулотларга ташқи бозорда ҳам талаб ортиб бораётир.

Имтиёзлар эътибор натижаси

Илҳос РАҲМАТОВ,
Сурхондарё вилоят ДСБ Ахборот хизмати бошлиғи

Хусусан, бугунга келиб саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш мақсадида юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этган ҳолда, уларни ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш орқали юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорларига олиб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг "Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари ана шундай эътибор натижасидир. Мазкур фармонда назарда тутилган солиқ имтиёзларига кўра, экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ва мулк солиғини тўлаш тартибда ўзгаришлар қилинди. Унга кўра, экспорт қилувчи корхоналар учун экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизга ташкил этса, белгиланган фойда солиғи (ягона солиқ тўлови) ва мулк солиғи ставкалари 30 фоизга камайтирилади. Экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганда, белгиланган фойда солиғи (ягона солиқ тўлови) ва мулк солиғи ставкалари 50 фоизга камайтирилади.

Мазкур солиқ имтиёзлари экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уни мустақил равишда сотувчи барча мулкчилик шаклидаги корхоналарга татбиқ этилади. Бундай қулайлик ва имтиёзлар вилоятимиздаги корхоналарнинг экспорт имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида вилоят бўйича жами 115618,7 минг АҚШ доллари миқдорда маҳсулотлар экспорт қилинди. Хусусий сектор манфаатлари йўлида яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар натижасида корхоналарнинг ривожланиши ва иқтисодий барқарорлиғи таъминланмоқда. Жумладан, берилган солиқ имтиёзлардан кенг фойдаланиб келаётган "Термиз Шиндонг-Спиннинг" қўшма корхонасида жорий йилда 832,3 тонна, яъни 524 млн. сўмдан ортиқ қалава ип ишлаб чиқарилиб, Хитой ва Жанубий Корея давлатларига экспорт қилинди. Қўшма корхонага мол-мулк солигидан 153 млн. сўмлик, Республика йўл жағмарасига мажбурий ажратмалардан 53,7 млн. сўмлик имтиёзлар берилди. Ушбу маблағлар маҳсулот ишлаб чиқариш, корхонанинг моддий базасини ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш учун жуда кўп келмоқда. Бу сингари солиқ имтиёзлари корхоналарнинг иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш таъминлашда ижобий таъсир кўрсатибгина қолмай, фаолиятини кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда маҳсулот ҳажми ва сифатини оширишга кенг имкон бермоқда.

Тадбиркор миннатдор

Иқтисодиётимизнинг асосий таянчлари билан бири ҳисобланган тадбиркорлик фаолиятининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ишбилармонлиқни ривожлантириш, уларга қулай муҳит яратиш борасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

Жондор туманилик Олим Дилмуродов "Олим Саид Субҳиддинбек" масъулияти чекланган жамият ташкил этиб, қурилиш объектига пишган гишт етказиб бериш хизматини йўлга қўйган тадбиркорлардан. У тадбиркорлиқни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган имконият ва имтиёзлардан фойдаланиб, ўз фаолият доирасини кенгайтиришга интилоқда.

— Юртбошимиз томонидан тадбиркорлик субъектларининг қўллаб-қувватланаётгани, ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш борасидаги амалий чора-тадбирлар биз тадбиркорларни руҳлантирмоқда, рағбатлантирмоқда, — дейди О.Дилмуродов. — Бу, албатта, ғайратимизни ошириб, янада самарали ишлашга ундамоқда. Ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, қўшимча тармоқни йўлга қўйиш нияти туғилди. Аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган талабидан келиб чиқиб, балиқчиликни ривожлантирмоқчиман.

Тадбиркорлик фаолиятининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг амалий ишларини эшитиб, ўтган йил 5 сентябрда департаментнинг Жондор туман бўлимига корхонанинг пишқик гишт ишлаб чиқариш цехи ҳудудига чегарадош бўлган 0,70 га. ер майдонида балиқчилик билан шуғулланиш учун ҳовуз ташкил қилишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилгандим. Ушбу аризам дарҳол туман ҳокимлигига юборилиб, назоратга олинди. Ер ресурслари кадастр бўлими ходимлари билан бирга бориб, ер майдонини ўрганиб кўришди. Департаментнинг туман бўлими кўмағида аризам ижобий ҳал бўлди. Туман ҳокимининг қарори билан балиқчиликни ривожлантириш учун 0,70 га. ер майдони "Олим Саид Субҳиддинбек" МЧЖга берилди. Айти пайтда балиқчилик ҳўжалигида 4 та иш ўринлари яратилди. Ҳозирда ҳовузда балиқлар парваришланмоқда. Йил охирига келиб 2 тоннага яқин балиқ етиштиришни режалаштирганмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, департамент ходимларига ўз миннатдорчилигини билдирман. Бизга кўрсатилган эътибор ўз навбатида, тадбиркорлар ҳуқуқи кафолатлангани, энг муҳими, инсон манфаатлари давлат ва қонун ҳимоясида эканлигидан далолатдир.

Меҳринисо ҲУСАИНОВА,
журналист

Сертификатлаш тизими ривожланмоқда

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Ўзстандарт" агентлиги ҳамда "Ўзқурилишматериаллари" акционерлик компанияси билан ҳамкорликда "Қурилиш материалларини сертификатлаш тизимини ва Ўзбекистондаги саноат корхоналари ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини ошириш" мавзусида семинар ўтказди.

Семинарда қурилиш материаллари ва конструкцияларни сертификатлаш, республика маҳаллий саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари сифатини ошириш имконияти ҳамда Ўзбекистонда қурилиш материаллари тармоғини янада ривожлантириш истикболларига оид долзарб масалалар муҳокама этилди.

Мазкур тадбирда саноат корхоналари томонидан маҳсулотларни сертификатлаш тизимини жорий этиш, ҳўжалик оритутуви субъектлари маҳсулот сифатини ошириш имкониятлари ва қурилиш тармоғи корхоналари рақобатбардорлигини кучайтириш мавзуларида таҳдидотлар ҳам намойиш этилди.

Ўз муҳбири

"EFFECT REAL GROUP" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такроран очик "Аукцион" савдоларида таклиф этади.

Аукцион савдоларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 март кунги 94-сонли "Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдони ташкил этишни такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК тугатиш комиссиясининг 2013 йил 14 августдаги 83-сонли хатига асосан Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" акциядорлик компаниясининг куйида келтирилган жамиятлардаги улушлари такроран қўйилмоқда.

1. Олтиарик тумани "Олтиарик савдо инвест" (собиқ Олтиарик туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 22,36 фоиз улуши, бошлангич баҳоси 119 064 125 сўм.
2. Бувайда тумани "Янгиқўрғон Файз

Инвест" (собиқ Бувайда туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 25,00 фоиз улуши, бошлангич баҳоси 94 275 058 сўм.

3. Фуркат тумани "Омадли Инвест Тараққиёти" (собиқ Фуркат туман "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 31,55 фоиз улуши, бошлангич баҳоси 135 704 189 сўм.

4. Фарғона тумани "Аввал Обод Савдо" (собиқ Аввал "Матлуботсавдо") МЧЖдаги 25,00 фоиз улуши, бошлангич баҳоси 13 004 877 сўм.

5. Кува тумани "Тайёрловсавдо" МЧЖдаги 25,02 фоиз улуши, бошлангич баҳоси 8 125 052 сўм.

6. Кувабой шаҳар "Кувабой Баракали Савдоси" МЧЖ балансидаги "Марказий омборхона"ни 34,76 фоиз улуши, бошлангич баҳоси 119 526 852 сўм.

7. Учқўприк тумани Давлат таъминоти корхонасидаги 100 фоиз улуши, бош-

лангич баҳоси 2 429 746 сўм.

Аукцион савдолари 2013 йил 3 сентябрь кuni соат 10:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2013 йил 30 август кuni соат 17: 00гача қабул қилинади.

Маъмур улушлар 2013 йил 3 сентябрь кuni аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 18 сентябрь кuni соат 10:00да бўлиб ўтиши олдиндан маълум қилинади. Шунингдек, такрорий савдо учун аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин 18:00гача қабул қилинади.

Савдога қўйилган "улуш"ларнинг ҳужжатлари билан "Савдо ташкилотчиси" ёки Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АКнинг тугатиш комиссиясида беvosита танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун та-

лабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузилладиган закат келишувига асосан, улушнинг бошлангич баҳосининг 10 фоизи микдорда закат пулини тўлов ҳужжатида улушни номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "EFFECT REAL GROUP" МЧЖнинг реkvизитлари, ИИН: 302128329, МФО:00500, "Савдогарбанк" Фарғона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар қизиктирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилига мурожаат қилишлари мумкин:
Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси 43-уй, Фарғона вилоят "Матлуботсавдо" АК биноси.

Тел: +99895 404-54-84 "EFFECT REAL GROUP" МЧЖ Лицензия RR 0094

Хизматлар лицензияланган

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Самарқанд вилоят филиали бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларида таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 12 августдаги 6-Па ва 15 августдаги 7-Па-сонли буйруқларига асосан куйидаги кўчмас мулклар (кейинги ўринларда "Давлат активи" деб юритилади) қўйилмоқда.

1. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги нотураж жой биноларидан фойдаланиш департаментига қарашли бўлган Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси 84-уйда жойлашган, бошлангич баҳоси - 752 586 000 сўм бўлган маъмурий бино.

Давлат активи билан савдода савловчи: Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги нотураж жой биноларидан фойдаланиш департаменти.

Балансда савловчининг ихтисослиги: Самарқанд шаҳар ҳокимлиги балансидаги бинолардан самарали фойдаланиш.

Умумий ер майдони 550,45 кв.м., қурилиш ости майдони 536,15 кв.м.

II. Самарқанд вилояти "Давтехназорат" бўлимига қарашли бўлган Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Курчатов кўчаси 12-уйда жойлашган, бошлангич

баҳоси — 100 000 000 сўм бўлган, бўш турган "Бино ва иншоотлар".

Давлат активи билан савдода савловчи: Самарқанд вилояти "Давтехназорат" бўлими.

Балансда савловчининг ихтисослиги: Машина ва жиҳозларни техник қўриқдан ўтказиш.

Умумий ер майдони 186,0 кв.м., қурилиш ости майдони 95,05 кв.м.

Савдо 2013 йил 23 сентябрь кuni соат 11:00да бўлиб ўтади. Буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 20 сентябрь кuni соат 18:00.

Юридикдаги "Давлат активлари" 2013 йил 23 сентябрдаги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йилнинг 23 октябрь, 25 ноябрь ва 25 декабрь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун буюртманомалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 23 октябрдаги савдо учун 2013 йил 22 октябрь кuni соат 18:00; 2013 йил 25 ноябрдаги савдо учун 2013 йил 22 ноябрь кuni соат 18:00; 2013 йил 25 декабрдаги савдо учун 2013 йил 24 декабрь кuni соат 18:00да тўхтатилади.

Талабгорлар "Давлат активларини" бошлангич ба-

ҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охири кунгача "КМСХ" МЧЖ Самарқанд вилоят филиалининг АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари ва солиқ тўловчининг идентификация рақамини тақдим этишлари шарт: x/p: 20208000604920609025; МФО:00262; СТИР:207122519.

Савдо натижаларига қўра солиб чиққан иштирокчи 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закат "Давлат активларини" сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камни ташкил этса, савдо солиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва аукцион ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси, 85"А"-уй 2-қават, 210-хона. Тел.: (факс) (8366) 233-80-56, www.1kms.uz; www.gktorg.uz ва www.samgk.uz.

Лицензия: RR-0001.

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси давлат активларини тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокаралар олиб бориш йўли билан сотиш савдоларида таклиф этади.

Сотувчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси

Сотувчининг манзили: 100077, Тошкент шаҳар, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй.

Алоқа телефонлари: (8-371) 268-23-21, 268-27-29 факс: 268-27-29

Сотиш таклиф қилинаётган давлат активларининг номи, сони, тавсифи ва жойлашган манзили:

№	Объект номи	Объект манзили	Балансда савловчининг номи, манзили	Объект тавсифи	Сотиш таклиф қилинаётган нархи, сўм	Энг кам инвестиция микдори	Хусусийлаштирилиши белгиланган ҳукумат қарори
1	Дўкон бино-иншоотлари	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, 4-кичик ноҳия, 6-уйнинг биринчи қавати	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, А.Темур кўчаси 1	Бинонинг қурилиш ости майдони - 1430,08 кв.м., Фойдаланиш майдони - 1187,67 кв.м.	723 424 500,0 сўм	-	ПК-1743 25.04.2012 й.
2	"Нотураж жой" биноси	Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, "Наврўз" ҚФЙ, Наврўз маҳалласи	Юқоричирчиқ тумани ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони	Ер майдони 1,03 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 1455,72 кв.м.	674 013 600,0 сўм	энг юқори микдорда инвестиция киритиш ва янги иш ўринларини ташкил этиш	ПК-1743 25.04.2012 й.
3	246-уйнинг биринчи қаватида жойлашган "Нотураж жой" қисми	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А.Навоий кўчаси	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, А.Темур кўчаси 1	Бинонинг қурилиш ости майдони - 93,47 кв.м., Фойдаланиш майдони - 71,85 кв.м.	55 559 800,0 сўм	-	ПК-1743 25.04.2012 й.
4	Гараж, устакхона ва омборхона бинолари	Тошкент вилояти, Паркент тумани, Чанги қишлоғи	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг "Физика-Куёш" илмий ишлаб чиқариш биразмаси Материалшунослик институти, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Куёш қўрғони	Ер майдони 1,57 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 988,49 кв.м.	205 577 200 сўм	102 500,0 минг сўмдан кам бўлмаган микдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш	ВМ - 256 7.09.2009 й. ВМ - 207 18.07.2011 й.
5	Фаолият юритмаётган собиқ "Паргос нефть базиси"га қарашли мулклар	Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Товоқсой қўрғони ГЭС кўчаси	"Кучлик нефть базиси" УҚ, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани, Кучлик станцияси, Бобур кўчаси, 58-уй	Ер майдони 0,5108 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 193,0 кв.м.	304 665 872,0 сўм	сотиб олиш қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган микдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш	ПК-1743 25.04.2012 й.

Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносиди 2013 йил 24 сентябрь кuni соат 11:00да бўлиб ўтади.

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари (сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни ўтказиш шакли, мuddати ва шартлари):

1. Энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш.

2. Тўлов мuddатини қисқа мuddатларда амалга ошириш.

3. Сотувчи билан 20 кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини тузиш.

Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш тамом бўлиш санаси ва вақти: 2013 йил 23 сентябрь кuni соат 18:00гача.

Тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокараларда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган мuddатларда шаҳсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатлар билан илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатида ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошлангич нархининг 15 фоизи микдорда закат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

— қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари.

— сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш мuddати;

— инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, мuddати ва шартлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча арақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Хурматли талабгорлар ва ишбилармонлар! Савдода қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз поймол қилиниш ҳолатлари ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 268-23-21 телефон рақамларида аҳаб қилишингиз сўралади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарорига асосан тўғридан-тўғри (оммавий оферта) музокаралар олиб бориш йўли билан сотиш савдоларида чиқарилиб, оферта савдоларини ўтказиш комиссиясининг 2013 йил 19 июлдаги йиғилиш баённомасига ҳамда Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 23 июлдаги 105 и/ч-сонли буйруғига асосан тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли орқали сотилган давлат активи

1. Паркент тумани ҳокимлигига қарашли, Паркент тумани, Истикфол кўчасида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 0,262 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 253,36 кв.мга тенг бўлган "Нотураж жой" биноси, бошлангич баҳоси — 148 172 400,0 сўм, сотилиш баҳоси — 148 500 000,0 сўм.

Хизматлар лицензияланган

ЎЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

“Асака” банки (ОАЖ) Сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллик байрами билан табриклайди ва қўйидаги миллий валютадати мўддатан янги омонат турини таклиф этади:

«МУСТАҚИЛЛИК 2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш мўддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилганидан (12 ой) сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мўмкин. Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтириқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

“Асака” банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Хизматлар лицензияланган

Зомин прокуратураси янги бинода

Республикамизнинг энг сўлим, мафтункор гўшарилардан бири ҳисобланган Зомин туманининг кийфаси мустақиллик йилларида тубдан ўзгарди. Айниқса, кейинги икки йилда туманда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида туман маркази — Зомин шаҳарчаси тамомилан қайта қурилиб, замонавий кўриниш касб этди.



Янгидан бунёд этилган ўнлаб замонавий, кўркем, муҳташам иншоотлар шаҳарча кўркем бағишламоқда.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллик кўтлўғ байрами арафасида шаҳарчадаги ана шундай бир-биридан чиройли бинолар сафи яна бир салобатли иншоот — туман прокуратурасининг кўш қаватли янги биноси билан бойиди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли демократик ислохотлар натижасида юртимизда инсонларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланди.

Прокуратура, суд-ҳуқуқ тизимида улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, прокуратура идораларининг жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, қонун устуворлигини таъминлаш борасида самарали фаолият юритишлари учун қўлай шарт-шароитлар яратилди.

Зомин шаҳарчасида бунёд этилган туман прокуратурасининг янги биноси ҳам мамлакатимизда прокуратура идораларининг нуфузини ошириш, тизим ходимлари учун замонавий ва қўлай иш шароитларини яратиш борасида қилинган гамхўрликнинг яна бир намунаси десак янглишмаймиз. Бевосита мамлакатимиз раҳбариятининг, шунингдек, Республика Бош прокуратурасининг эътибори ва амалий кўмаги билан қурилган янги бинода барча қўлайликлар яратилган. Хоналар замонавий техника воситалари ва бошқа зарур жиҳозлар билан тўлиқ

Олимжон СОЛИЕВ,
Зомин туман прокурори

таъминланган. Кенг ва гуллар экилган ҳовли, икки қаватли муҳташам бино туман маркази кўркем кўркем, чиройига чирой кўшиб турибди. Бу янги бинони “Камол” кўп тармоқли қурилиш фирмасининг кўли гул қурувчилари қисқа фурсатларда сифатли бунёд этишди.

Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган янги бино барча зоминликлар учун ҳам ажойиб совға бўлди.

Ўтганларнинг охираати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ва Самарқанд вилоят прокуратураси жамоалари прокуратура фахрийси

Яхё УСМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари чўқур таъзия изҳор этади.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib v.b.)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85

E-mail:

huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz qilinmaydi va egalari qaytarilmaydi.

Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

(□) — tijorat materiali.

Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi

231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Buyurtma j-7872. 47 089 nusxada bosildi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G.HOJIBOYEVA

Musahhib: M.QAMBAROV

Navbatchi: O'.DEHONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.

Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2008-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

4772010761004